

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 347: 339.187.62. (575.1)**

МАМАДАЛИЕВ АБДУНАИМ АБДУНАБИЕВИЧ

Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асослари ва
уларни такомиллаштириш муаммолари

5А380103-Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процессуал
ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича
ҳуқуқ магистри академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: юридик фанлар номзоди,
доцент Юлдашева Шоира Рахматовна

ТОШКЕНТ – 2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-9
I БОБ. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи	10-17
1.1.Лизинг муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланиши.....	10-17
1.2.Лизинг муносабатлари тушунчаси ва моҳияти	17-21
II БОБ. Бозор иқтисодиёти шароитида лизинг муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши	22-35
2.1.Лизинг шартномаси тарафларининг ҳуқуқий ҳолати.....	22-35
2.2.Лизинг шартномаси шакли.....	35-49
2.3.Лизинг шартномаси шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги ва шартномани бекор бўлиши	50-57
2.4.Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш асослари ва уни такомиллаштириш масалалари	58-64
ХУЛОСА	65-67
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	68-72
ИЛОВАЛАР	73-81

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишларидан бири бу иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширилишидир. Бу ҳолат иқтисодий нуқтаи назардан ҳам ҳуқуқий нуқтаи назардан асослантирилган.

Ҳар қандай давлат, жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши кўпгина омилларга боғлиқ бўлиб, улардан энг асосийси бу тадбиркорлик фаолиятидир. Айнан тадбиркорлик фаолияти орқали жамиятнинг ҳам моддий ҳам маънавий эҳтиёжлари қондирилади. Мазкур фаолият ҳар қандай давлат иқтисодиётининг негизини ташкил этар экан, у ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлиши лозим.

Президентимиз И.Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида таъкидлаганидек, мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш биз учун долзарб бўлиб қолмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзлаган нутқларида Юртбошимиз 2011 йилни мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилганликлари, хусусий тадбиркорлик шунингдек касаначиликнинг янада ривожлантиришга қараб ташланган навбатдаги улкан қадам бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Шуни қайд этиш лозимки, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳар доим ҳам мулкдор сифатида тадбиркорлик фаолиятини бошламайди. Бунинг учун бозор иқтисодиёти учун хос бўлган ҳуқуқий конструкциялардан шу жумладан, лизинг шартномаларидан ҳам унумли фойдаланилади.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -56 б.

Лизинг ҳуқуқий муносабатлари кейинги йилларда фуқаролик ҳуқуқини алоҳида ҳуқуқий институти сифатида кенг ривож топмоқда. Уни илмий нуқтаи назардан урганиш ва ҳўжалик ҳаётига тадбиқ қилиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири, шу сабабли ушбу ишда лизинг муносабатларини илмий назарий ўрганишга ҳаракат қилинди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек лизинг, бу мамлакатимиз ҳуқук тизимидаги янги ва ривожланаётган институт бўлиб ҳисоблансада, аммо биз билаимзки жаҳон ҳуқук ва иқтисод соҳалари учун янгилик эмас, балки бу соҳаларда ниҳоятда ривожланган муносабатлар турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги замонавий ҳуқук системасида лизинг муносабатлари гарбдаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги анча шаклланиб булган, ҳозирга пайтга келиб энг кўп тарқалган операциялардан бўлиб қолди. 1990 йил маълумотларига кўра дунё бўйича лизинг операциялари ҳажми 1 триллион АҚШ долларига тенг бўлган. Ҳозирда лизингдаги ишлаб чиқариш ускуналарининг, давлатлар умумий ишлаб чиқариш капиталидаги ҳажми қуйидагича: - АҚШда – 45%, Японияда – 33%, Германияда – 19%, шу билан бирга АҚШда мавжуд компьютерларнинг – 19%, самалётларнинг – 12,5%, юкавтомашиналарининг – 86,7%, биноларнинг – 5,5%, ижарага берилади. Лизингнинг инвестициядаги улуши қуйидагича: АҚШда – 24%, Англияда – 15%, Францияда – 8%, Швецарияда – 17%га, Австрия, Япония, Дания, Норвегияда бу кўрсатич – 10%га тенг².

Юқорида келтирилган кўрсаткичлардан кўриниб турибдики лизинг муносабатлари дунё иқтисодий муносабатларида муҳим ва асосий ўринни эгаллайди. Фуқаролик ҳуқуқининг мазкур институтини муҳимлиги ва зарурлиги ҳақида гапирганимизда шуни таъкидлаб ўтиш керакки у айниқса, у ҳуқуқимиз ўз олдида мақсад қилиб қўйган – «иқтисодиётимизнинг кичик ва ўрта бизнес секторини ривожлантириш»да, техника-информацион формаларни шакллантиришда, айниқса қишлоқ ҳужалиги субъектлари фаолиятини

² Баратов М.Х. Хорижий давлатларда лизинг муносабатлари. –Тошкент: /Ҳаёт ва қонун. 2003. -6 б.

ривожлантиришда, ишлаб чиқариш соҳасининг моддий техникавий базасини шакллантиришда ниҳоятда муҳим уринни эгаллайди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун лизингнинг қиймати унинг имкониятлари билан ҳам белгиланади. Бунда лизинг берувчи пул маблағларини энг кам таваккалчилик асосида инвестициялайди, лизинг олувчи эса, ўзида мавжуд бўлмаган ёки кўп маблағ талаб қиладиган ўзига зарур мол мулкни лизинг шартномаси асосида олади, сотувчи эса мол мулкни тасарруф этиш яъни сотиш ташвишларидан ҳоли бўлади. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида лизинг муносабатларининг аҳамияти бутун мамлакат иқтисодиёти учун биринчи ўринга чиқмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Сизларга яхши маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши **хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ**. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақибатнинг кенгайиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади”³.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини янада жадаллаштириш, инвестиция ҳажмини ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладди. Лизинг муносабатлари билан боғлиқ жаҳон амалиёти шундан далолат берадики, лизинг муносабатларининг ривожланганлик даражаси ва инвестиция жараёнларининг жадаллашуви билан бевосита боғлиқ

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида қилган маърузаси. //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

бўлади. Молиявий маблағлар етарли бўлмаганда лизинг муносабатларининг ривожланиши бир бири билан боғлиқ қатор масалаларни ҳал этиш имкониятини беради: хусусан, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш шу жумладан, асосий воситаларни янгилаш ва модернизация қилиш; товарлар, ишлар ва хизматлар бозорини барқарорлигини таъминлаш; ишсизликни қисқартириш ва янги иш ўринларини яратиш; тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш ва кенгайтириш натижасида бюджет тушумини кўпайтириш ва ҳ.к. Демак, лизинг муносабатлари молиявий маблағларни тўғри ва оқилона тасарруф этишнинг бозор иқтисодиёти учун хос бўлган самарали воситалардан биридир. Лизинг муносабатларини ривожланиши, уни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширишни тақозо этади. Бу эса, мазкур соҳада чуқур илмий тадқиқотларни амалга оширишни, хорижий мамлакатларнинг лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этишни тақозо этади.

Демак, юқоридаги ҳолатларнинг барчаси мазкур мавзунинг долзарблигини билдиради ва уни илмий тадқиқ этиш зарурлигини белгилаб берувчи омил саналади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Лизинг бозор иқтисодиёти учун хос бўлган институт сифатида намоён бўлар экан, бу борада цивилистика фани намоёндалари томонидан муайян тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилган. Жумладан, миллий цивилист олимлар И.Б.Зокиров, Х.Р.Раҳмонқулов, О.Оқюлов, С.Б.Бабакулов, Д.Қараходжаева, М.Баратов, Ш.Юлдашева, Н.Имомов, Ш.Юлдашева, Б.Б.Самарходжаев, В.Ё.Эргашев, О.Хазратқуловлар томонидан лизинг муносабатлари билан боғлиқ масалалар муайян даражада ўрганилган.

МДҲ мамлакатлари жумладан, Россиялик олимлар А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой, Е.Суханов, В.В.Витрянский, М.Б.Брагинский⁴ ва бошқа цивилист

⁴ Муаллифлар жамоаси //Х.Р.Раҳмонқулов, О.Оқюловларнинг таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I жилд. –Тошкент: Vektor press, 2010. -816 б.; Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. -614 б.; Муаллифлар жамоаси. Мулк ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ.-2006; Муаллифлар жамоаси. Шартнома ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ.-2006.; Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ.-2009; Бабакулов С.Б. Ижара ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент: 2010. 210 б.; Кочергина Т. Правовое режим лизинговых обязательств

олимларнинг ишларида ҳам фуқаролик ҳуқуқида лизинг шартномаси билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Жумладан, О.Хазраткулов томонидан 2006 йилда “Лизинг муносабатлари ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари” мавзусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Бироқ, бугунги иқтисодий муносабатларнинг жадаллик билан ривожланиб бориши шароитида лизинг муносабатлари билан боғлиқ янгидан янги муаммоларга дуч келинмоқдаки, улар бўйича ҳуқуқий ечим таклиф этиш, бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, тадқиқот мавзусининг ўрганилиши, унинг назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Илмий тадқиқотнинг асосий мақсади лизинг муносабатлари ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш, амалиётда йўл қўйилаётган камчиликларни танқидий ўрганиш ҳамда лизинг муносабатларини тартибга солувчи фуқаролик қонунчилиги, халқаро шартнома ва конвенцияларни акомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф-мулоҳазалар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Шу мақсадга эришиш учун қуйидагилар тадқиқот вазифалари қилиб белгиланди:

- лизинг муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланишини таҳлил қилиш;
- лизинг муносабатлари тушунчаси ва моҳиятини очиб бериш;
- лизинг шартномасининг ҳуқуқий табиати ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- лизинг шартномаси тарафларининг ҳуқуқий ҳолатини тадқиқ қилиш;

//Фуқаролик қонунчилиги: муаммо ва ечимлар мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2004. -82 б.; Юлдашева Ш. Лизинг шартномаси //Ёш олимлар тўплами. -2004. -6-сон. –Б. 22-24.; Хазраткулов О.Т. Лизинг объектларини ҳуқуқий тартибга солиниши// Ўзбекистонда фалсафа ва ҳуқуқ фанлари ривожланишининг истикболлари мавзусида илмий-амалий конфренция материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. – Б.30-33.; Хазраткулов О.Т. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2007.; Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть первая. Научно-практический комментарий / Отв. ред. Т.Е.Абова, А.Ю.Кабалкин, В.П.Мозолин. - М., 1996; Гражданское право. Учебник / Под ред. Е. А. Суханова. Т. 1.- М., 1998; Комментарий к части первой Гражданского кодекса РФ / Под ред. В. Д. Карповича. - М., 1995; Витрянский В.В., Брагинский М.Б. Договорное право. Книга вторая. Договоры о передаче имущества. М.: Статут, 2006.

- лизинг шартномасининг предмети ва лизинг турларини таҳлил қилиш;
- лизинг муносабатларига илмий таъриф бериш;
- лизинг муносабатларига доир қонунчилик ва амалиётнинг узвийлигини таҳлил қилиш;

- лизинг шартномаси шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлигини ўрганиш;

- лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш асослари ва уни такомиллаштириш мақсадида тегишли хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари фақат таҳлил қилиш билан чекланмай, улар ҳусусида тегишла асослантирилган хулоса ва таклифлар бериш ҳам мақсад қилиб қўйилди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асослари ташкил этади. Тадқиқот предмети Фуқаролик ҳуқуқида лизинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг ҳар томонлама илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш, татқиқ этишдир.

Илмий янгилиги ягоналаштирилган ҳолда лизинг муносабатлари ҳуқуқий асосларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганилганлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари, лизинг муносабатлари тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тадқиқ қилинганлиги билан белгиланади.

Шунингдек, диссертация ишининг илмий янгилиги унда ўрганилган илмий муаммоларни ҳал этиш бўйича ёндашувларда ва эришилган натижаларда ўз ифодасини топди. У қуйидагиларда намоён бўлади:

- биринчидан, лизинг муносабатлари ҳуқуқий асослари тизими, унинг таркиби очиб берилди;

- иккинчидан, лизинг шартномаси бўйича муаллиф таърифи ишлаб чиқилди ва илмий муомалага киритилди;

-учинчидан, ривожланган мамлакатлар қонунчилигида лизинг муносабатларини тартибга солувчи ижобий жиҳатларни мамлакатимизда қўллаш бўйича илмий таклифлар берилди;

-тўртинчидан, лизинг муносабатлари ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари ва уларни амалга ошириш усуллари бўйича назарий хулосалар илгари сурилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, диссертациянинг мазмуни, ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва мулоҳазалар илмий фаолиятда, ҳуқуқ ижодкорлиги ишларида, фуқаролик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини ривожлантиришда маҳаллий давлат бошқаруви ва адлия, суд идораларининг амалий ишларида, шунингдек ўқув жараёнида қўлланилиши ва фойдаланилиши мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан бўлиб, мавзунини ўрганиш мантиғига мос келади.

Тадқиқот иши кириш қисми, икки боб, еттита параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи

1.1.Лизинг муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланиши

Лизинг муносабатлари бу ҳуқуқ тизимидаги, умуман олганда фуқаролик ҳуқуқидаги янги вужудга келган институт бўлиб ҳисобланади, шу билан бирга унинг иқтисодиётимизда тутган урни жуда муҳим бўлиб ҳисобланади.

Лизинг - инглизча «Forlease» сўзидан олинган бўлиб, “ижара олмоқ”, деган маънони англатади. Фуқаролик кодексининг 587-моддасида лизинг шартномсига қуйидагича таъриф берилган. Унга кўра, лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Цивилист олим С.Б.Бабакулов ижара муносабатларини тадқиқ этиб қуйидагиларни таъкидлайди: Қадимги ўтмишда ижара муносабатлари қандай шаклларда бўлганлиги тўғрисида аниқ равшан маълумотлар мавжуд эмас. Ҳар ҳолда ибтидоий жамоа тузумида ўзгалар мол-мулкдан фойдаланиш мол-мулкни ҳақ тўламасдан фойдаланиб бўлгандан кейин қайтариш шарти билан бериш кўринишида бўлган, деб айтиш мумкин. Бу бизнинг ҳозирги фуқаролик қонунчилигидаги мулкдан текин фойдаланишга мос келади. Ҳар ҳолда ўша даврда инсон томонидан ўзлаштирилган ва мулкчилик муомаласи доирасига киритилган объектлар доираси жуда тор бўлган. Ер, сув, ўрмон ва бошқа ўсимлик дунёси ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ижтимоий бойлик сифатида қаралган. Эҳтимол, ўша даврда мулкдан текин фойдаланиш примитив (содда ва қўпол) иш қуроллари, маиший турмуш ашёлари кўринишида бўлган бўлиши мумкин. Меҳнат тақсимотини вужудга келиши деҳқончилик, чорвачилик, овчилик ва уй юмушлари соҳасида энг аввало, эркак ва аёлларни, шунингдек, кейинчалик кишиларни ўртасида ҳам муайян ихтисослашув рўй беришига олиб келган. Қадимги даврда мулкчилик ва ижара муносабатлари

ҳақидаги ўзига хос маълумотларни «Авесто» дан олиш мумкин. Авестони ўзбек тилига таржима қилган олим ва таржимон Аскар Маҳкамнинг кўрсатишича, «Авесто»да давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни тан олинади ва маъқулланади.

Ҳ.Бобоев, С.Хасанов ва бошқа олимларнинг кўрсатишича, одамларнинг кўчмас мол-мулклари яъни, ўзлари яшаётган уйлар, экинзор ерлар ва боғлар уларнинг мол-мулки бўлган, деб ҳисобланган. Энг асосийси шундаки, уларнинг таъкидлашича, «Мулкчилик ҳуқуқи амалда эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи билан чекланмаган. У ўз ичига бошқариш ҳуқуқини, яъни бошқа шахс эгалигига топшириш, бошқа шахс мулкига шартнома билан эгалик қилишни ҳам ўз ичига олади»⁵.

«Зардуштийликнинг иқтисодий қонунларига кўра икки хил мажбурият тан олинади. Биринчидан, тантанали равишда қасам ичиш – “варуна”га кўра, кишиларнинг бирон иқтисодий мажбуриятни олиш ёки олмаслиги тушунилган. Иккинчидан, бу битим ёки шартнома ҳисобланиб, бунга кўра томонлар ўзаро манфаатдорлик нуқтаи назаридан бирон иқтисодий муносабатлар тўғрисида келишишган. Иккала ҳолда ҳам куч ичилган қасамда яширинган бўлиб, бу куч илоҳий деб ҳисобланган. Бу илоҳий куч ўзаро шартномалашган одамга ҳамкорлик қилади, ўз сўзига қатъий бўлган кишини қўллаб-қувватлайди. қасами ва сўзида турмаган кишини эса жазолайди»⁶.

С.Б.Бабакулов юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни билдиради:

Биринчидан, қадимги жамиятда ижара мулкчилик муносабатларини вужудга келиши билан пайдо бўлган; иккинчидан, унинг дастлабки кўринишлари мулкдан текин фойдаланиш кўринишида бўлган; учинчидан, қадимги аجدодларимиз мусулмон ҳуқуқи қўлланишидан аввал ижара муносабатларини тартибга солишда одат ҳуқуқи ва диний қоидалардан фойдаланишган; тўртинчидан, ижара шартномаси, қарз шартномаси алоҳида-

⁵ Бобоев Х., Дўстжонов Т., Хасанов С., Олламов Я. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Хоразм. Урганч. 2002. -35 б.

⁶ Бобоев Х., Дўстжонов Т., Хасанов С., Олламов Я. «Авесто» ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Хоразм. Урганч. 2002. -37 б.

алоҳида шартномалар сифатида эътироф этилган ва ниҳоят бешинчидан, ижара бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган шахсларга, яъни ижарага олинган мол-мулкни нобуд қилган ёки қайтармаган ижарачига нисбатан нафақат мулкӣ таъсир чоралари балки жисмоний жазо чоралари ҳам қўлланилган. Бошқача айтганда, фуқаролик ҳуқуқӣ нормалар ҳам, жиноят ҳуқуқӣ нормалар ҳам ижара бўйича ҳуқуқӣ муносабатларни тартибга солишда ва мажбуриятлар ижросини таъминлашда тенг равишда қўлланилган.

Юқорида муаллиф асосий эътиборни ижара муносабатларининг тарихий ривожланиш босқичларига қаратади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, лизинг муносабатлари ҳам ижара билан муайян ўхшаш жиҳатларга эга.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, лизинг муносабатлари нисбатан кейинги ривожланиш босқичида вужудга келган бўлиб, асосий пул маблағлари, молия маблағлари билан боғлиқ тушунча сифатида кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси лизинг муносабатларини ҳуқуқӣ тартибга солишнинг ривожланиши муайян илмӣ тушунчаларни шакллантириш ва мавжуд тушунмовчиликларни бартараф этишни тақазо этади.

Фикримизча, бундай ҳолат аввало лизинг муносабатлари тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, лизинг объектини олди сотдисига доир нормаларда мустақил битим сифатида белгиланмаганлиги билан изоҳланади. Лизинг олувчининг зиммасига олди сотди шартномаси бўйича сотиб олувчининг мажбуриятларини юклаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки лизинг олувчи олди сотди шартномасининг тарафи ҳисобланмайди, бундан келиб чиқадиган мажбуриятда иштирок этмаётган тараф учун мажбурият вужудга келтирилмайди. Шу сабабли сотувчининг мажбуриятлари лизинг шартномаси билан белгиланиши мумкин эмас.

Ҳуқуқ нуқтаи назаридан, лизинг бу фуқаролик, мураккаб кўп томонлама ҳуқуқӣ шартномалар жумласига киради. Менимча лизинг шартномаси тушунчасидан олдин лизинг муносабатлари тушунчасини бериш мақсадга мувофиқ бўлади деб уйлайман. Лизинг ва умуман олганда лизинг муносабатлари тушунчаси бизнинг ҳуқуқ тизимимизда мустаҳкамлаб

қуйилган ва Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида»ги қонуннинг 2 моддасида келтирилган бўлиб, унга кўра: -

Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида бир тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизинг олувчининг)нинг топширигига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қуйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади.

Лизинг уч тарафлама (сотувчи – лизинг берувчи – лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи – лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади.

Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама лизинг шартномаси тузилаётганида қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

Шундай қилиб лизинг муносабатлари бу мулкый муносабатлар тўрига таллуқли бўлиб, унга кўра лизинг берувчи субъект сифатида қатнашувчи шахс, лизинг олувчи топширигига кўра лизинг муносабати объектини учинчи тараф сотувчидан (агар у мавжуд бўлса ва шартнома уч тарафлама бўлса) лизинг олувчига ижарага бериш учун сотиб олиб беради. Шу муносабат тегишли тартибда тарафлар ўртасида келишилган, тузилган ва расмийлаштирилган бўлса у шартнома шаклини олади. Юқоридаги модданинг 1 бандига кўра лизинг берувчи лизинг олувчининг топширигига (талабига) кўра маълум бир мулкни (лизинг объектини) сотувчи (ишлаб чиқарувчи)дан олади ва уни ижарага олувчига шартномада келишилган муддатга ҳақ эвазига фойдаланишгагина беради. Бунда мулк эгаси бўлиб лизинг берувчи бўлиб ҳисобланади, яъни айтиб утқанимиздек лизинг берувчи лизинг объектини лизинг олувчига фақатгина фойдаланишгагина беради, яъни биринчи тараф бўлган лизинг берувчи мулкка булган эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқларини лизинг олувчига беради, аммо мулкни тасарруф этиш, уни тақдирини ҳал этиш ҳуқуқларини ўзида сақлаб қолади ва шу билан бирга мулкнинг эгаси ҳам бўлиб ҳисобланади (лизинг шартномаси

давомида, аммо шартнома муддати тугаганидан сўнг асосан мулк ҳуқуқи лизинг олувчига утади). Лизинг муносабатлари шу жихати билан ижара муносабатларига ухшаб кетади. Мазкур муносабат, айтиб утганимиздек уч тарафлама ёки икки тарафлама бўлиши мумкин, яъни юқоридаги муносабат иштирокчиси булган сотувчи – лизинг объекти булмиш (меҳнат воситаси, асбоб-ускуна ва турли жихозлар) мулкни ишлаб чиқарувчи ва уни сотувчи шахс қатнашиши ёки аксинча қатнашмаслиги мумкин. Бу нарса лизинг берувчи компаниянинг иқтисодий аҳволидан келиб чиқади, мисол учун махсус бирон-бир соҳага ихтисослашган лизинг компанияси шу соҳага таллуқли булган асбоб ускуналарга эга булиши мумкин ва у уларни лизинг олувчиларга сотувчидан сотиб олмасдан ижарага бериши мумкин, аммо асосан лизинг муносабатлари уч тарафлама шаклга эга бўлади.

Лизинг шартномаси мол-мулк шартномасининг бир тури, уни Фуқаролик Кодексида назарда тутилган тартибга солувчи қоидалар «Халқаро молия лизинги тўғрисида»ги Оттава Конвенция (1988 йил) қоидаларига асосланган⁷.

Лизинг шартномаси консенсуал ва ҳақ бараварига тузиладиган шартнома бўлиб ҳисобланади. Лизинг шартномасининг объектлари бир йўла истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти (ишлаб-чиқариш, хизмат ва бошқа қонуний фаолият) фаолият учун фойдаланиладиган ишлаб-чиқаришга ва хизмат курсатиш соҳасида фойдаланишга оид ҳар қандай ашёлар (трактор, самалет, кемалар ва ишлаб-чиқариш воситалари) булиши мумкин⁸. Ер майдонлари бошқа табиат объектлари «мулк ижараси» объекти бўлиши мумкин, аммо «лизинг шартномаси» предмети бўла олмайди. Умуман, мол-мулк ижарасидаги каби лизингда ҳам унинг предмети сифатида ашёвий ҳуқуқлар қулланилиши мумкин.

Юқорида айтиб утганимиздек ер майдонлари ва бошқа табиат объектлари лизинг муносабатлари объекти бўла олмай, чунки ер мулк сифатида хужалик субъектларига (фермер, деҳқон хужаликлари ва

⁷ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига шарҳлар. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», Тошкент 1998 й. 11 жилд 1 китоб, 349 бет.

⁸ И.Анортеев, Б.Жуманиёзов «Лизинг шартнома муносабатлари», Хўжалик ва ҳуқуқ журнал, 1999 йил, 2 сон, 26 бет.

ширкатларга) фақат фойдаланишга берилади ва давлат мазкур мулкка булган мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, яъни мисол учун ер майдони фермерга бериладиган булса фермерга фақат ерга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари утади, аммо ерни мулкдори булган давлатда эса уни тасарруф этиш, тақдирини белгилаш ҳуқуқи қолади. Қисқа қилиб айтиладиган булсак, мулкка булган энг муҳим ҳуқуқлардан булган тасарруф этиш ҳуқуқини давлат ўзида сақлаб қолган ҳолда, ерга давлат монополияси ўрнатилган десак адашмаймиз. Менинг фикримизча ҳозирда мамлакатимизда бу масала бўйича ҳуқуқий ва иқтисодий база ниҳоятда ривожланган ёки юксак даражада эмас, шунинг учун ҳозирги ҳолатда агар ер майдонлари юридик ва жисмоний шахсларга сотилиб ёки бошқа шартларда тулиқ тасарруф этиш ҳуқуқларни бериш нотугри буларди, чунки ердан, таъбий ресурслардан ва бошқа таъбий объектлардан уларнинг эгалари булган юқоридаги юридик ва жисмоний шахслар қандай ва қайдаражада фойдаланишаётганларини назорат қилиб булмасди, кейинчалик эса бу жуда катта қийинчиликларни келтириб чақарарди. Шу мулоҳазамни давом эттириб шуни айтмоқчиманки мамлакатимизнинг, хусусан ҳукуматимизнинг ердан ва таъбий объектлардан фойдаланиш, уларга эгалик қилиш тугрисидаги сиёсатини тулиқ қувватлайман, яъни фуқароларимизга ниҳоятда кенг имкониятлар ва имтиёзлар асосида ердан фойдаланиш ҳуқуқи бериш. Асосий мавзуга қайтадиган булсак юқоридаги объектлар яъни, ер майдонлари ва бошқа таъбий объектлар лизинг муносабатлари объектдан чиқарилишининг яна бир сабаби ўларнинг ўзига хос ва алоҳидалигидир, ҳамда уларни ижарага олишнинг махсус спецификага эга булган шартномалар билан тартибга солинишидир. Чунки лизинг шартномаси бошқа турдаги хусусий мулкларни ижарага олиш шартномаларидан фарқланадиган белгиларга эга. Бундай ўзига хосликнинг бир жиҳати бўлиб, лизинг шартномаси жихозларни, буюмларни ижарага олишдан фарқли уларок, анча узоқ муддатларга тузилади. Бошқа ижаравий шартномаларда учрамайдиган жиҳатлардан яна бири бу, лизинг олувчининг топширигига кўра лизинг берувчи тараф сотувчи (ишлаб чиқарувчи)дан

лизинг объектини лизинг олувчига ижрага бериш учун сотиб олади, бу ҳолатни бошқа ижара шартномаларида курмаймиз. Бундан ташқари лизинг ҳақи мулкдан фойдаланганлик учун олинадиган ижара ҳақидан ҳам фарқланади. Чунки лизинг объектини лизинг берувчига қайтариб топшириш муддати шу жихоз, қурилмаларнинг тула амортизация баҳосининг тугашигача, яъни ашёнинг жисмоний хизматга яроқлилиқ муддатининг тугашигача тенглаштирилади. Лизинг ҳақи шу объект баҳосидан ҳамиша ортиқ бўлиб, у булиб – булиб (қисм-қисм), узок муддатда туланганлиги туфайли мажбуриятнинг алоҳида тури булган олиш-сотиш шартномаси орқали объектни тўла боҳосига сотиб олишдан афзал булади. Чунки лизинг шартномаси амалда булган даврда объектни унинг тайнланиши буйича фойдаланиш орқали ундан даромад олинади ва туланадиган ижара ҳақидан ортиқча олинган маблағ (соф фойда сифатида) лизинг олувчинг мулки сифатида ўзлаштирилади. Яъни оддий қилиб тушунтирадиган булсак лизинг шартномаси олди-сотди шартномасидан фарқланувчи ва афзал томонлари шундаки, лизинг объектидан фойдаланганлиги учун лизинг олувчи лизинг берувчига берган маблағ миқдори (шартномада келишилган тулик даври мобайнида) объектни тулик қийматидан хар доим кўпроқ булади, чунки лизинг учун бериладиган тулов таркибига устамалар ва фойизлар қўшилади, шу билан бирга лизинг муносабатларида объектидан фойдаланганлик учун бериладиган туловҳақ шартнома муддати давомида булиб-булиб (қисм-қисм) туланади ва шу билан олди-сотди шартномасидан афзал бўлиб ҳисобланади. Яъни агар субъектда бирон-бир мулкни бирданига сотиб олиш имконияти бўлса у лизинг шартномаси орқали мулкка эга бўлиши мумкин. Шу билан бирга шартномадаги лизинг олувчи шартнома муддати давомида унга берилган мулкдан фойдаланиб, уни ишлатиб даромад олиши ва шу орқали лизинг туловларини тулаши, ортиқчасини ўзлаштириши мумкин. Яна бу шартноманинг мулк ижараси шартномасидан фарқи шуки, бу шартнома объектининг тўла амортизация (яъни меҳнат воситаси ёки жихознинг техник ресурслари тўла ўзлаштирилгунча) муддати утгунга қадар шартномани

тарафлардан бирортаси ҳам (тегишли асосларсиз) бекор қилишга ҳақли эмас. Лизинг шартномаси шартнома муддати тугаганидан сўнг лизинг олувчи томонидан лизинг берувчидан, ижарага берилган лизинг муносабати объектини барча туловлар суммасидан қолдиқ суммасини тулаши билан лизинг объектини узлаштириш мумкин ва шу билан оддий ижарадан фарқланади. Бу хусусият билан лизинг ташкилотларидаги шартномаларига ўхшаб кетади, унга кўра улар ўзларининг ишчи-ходимларига транспорт воситаларини келажакда сотиб олиш шarti билан (эскириш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда) транспорт воситасини беришади. Лизингнинг яна бир фарқлантирувчи томони шундаки, лизинг компанияларида операцияларини амалга ошириш учун асосан маблағлари етишмайди. Шунинг учун кўпинча мазкур операциялар жалб қилинган маблағлар асосида амалга оширилади.

1.2..Лизинг муносабатлари тушунчаси ва моҳияти

Лизинг шартномасига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 587-моддасида қуйидагича таъриф берилган:

Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида эса, лизингга қуйидагича тариф берилган:

Лизинг - молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

Мазкур таърифлар мазмун жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлса-да, уларда айрим фарқлар мавжудлигини эътироф этиш лозим. Жумладан: Фуқаролик

кодексида берилган таъриф “Лизинг шартномаси” деб номланса, қонунда “Лизинг тушунчаси” деб номланади.

Фуқаролик кодексида шартноманинг тарафлари ижара шартномасининг тури эканлигидан келиб чиқиб, лизинг берувчи (ижарага берувчи), лизинг олувчи (ижарага олувчи) деб номланса, қонунда бу ўз аксини топмаган.

Фуқаролик кодексида лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олса, қонунда лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғи билан лизинг объектини (бунда лизинг берувчи сотувчи билан келишувга эришиши мажбур) мулк қилиб олиши кўзда тутилган.

Фуқаролик кодекси берган таърифда лизинг объектини лизинг берувчи лизинг олувчига мулк ҳуқуқининг қайси элементлари асосида бериши назарда тутилмаган, қонунда лизинг объекти мулк ҳуқуқининг икки элементи эгалик қилиш ва фойдаланиш асосида берилаётганлиги таъкидланади.

Фуқаролик кодексида берилган таъриф лизинг объектини лизинг олувчига бериш муддатини назарда тутмаган, қонунда ўн икки ойдан ортиқ муддатга берилиши кўрсатилган.

Ушбу фарқлар лизингга доир муносабатларни тартибга солишда жиддий аҳамиятга эга бўлмасада, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида бироз қийинчиликни вужудга келтириши ҳамда ўқувчида лизинг ҳақида нотўғри тушунчаларнинг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, вужудга келиши мумкин бўлган турли тушунмовчилик ва низоларни олдини олиш мақсадида Фуқаролик кодекси ва “Лизинг тўғрисида”ги қонунда лизинг шартномасига берилган таърифни бирхиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунда албатта Фуқаролик кодекси нормаларининг устиворлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Лизинг шартномасига берилган таърифни таҳлил этиш ушбу шартнома қуйидаги ҳуқуқий белгиларга эгалигини кўрсатади:

Биринчидан, лизинг шартномаси иштирокчиларнинг сони, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тақсимланишига кўра уч ва икки томонлама шартномалар

тоифасига киради. Бу Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисидаги” қонуни 2-моддасида тўғридан-тўғри кўрсатилган. Яъни, лизинг уч тарафлама (сотувчи-лизинг берувчи-лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи-лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади.

Кўп тарафлама шартномалар ҳақида профессор И.Б.Зокиров “кўп томонлама шартномаларда тарафлар уч ва ундан ортиқ бўлади. Бундай шартномаларда бир пайтнинг ўзида ҳар бир тарафда муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўлиши характерлидир”⁹, - деб таъкидлайди. Академик Ҳ.Р.Раҳмонқулов “битим тузиш учун кўп шахсларнинг эрки келишилган ҳолда баён этилган бўлса, бундай битим кўптарафлама битим деб номлан”¹⁰ ишини таъкидлаган.

Дарҳақиқат лизинг шартномасида бир-биридан мустақил бўлган учта тараф иштирок этади. Булар сотувчи - лизинг берувчи - лизинг олувчилардир. Уларнинг ҳар бирида шартнома бўйича муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бўлади. Бироқ қонучиликда лизинг шартномаси бўйича бир шахснинг лизинг олувчи ва сотувчи сифатида иштирок этишига йўл қўйилади. Бу ҳақда Фуқаролик кодексининг 589-моддасида қуйидагича қоида назарда тутилган:

Лизинг берувчи мол-мулкни бўлажак фойдаланувчидан сотиб олган тақдирда ёхуд лизинг берувчи келажакда мол-мулкни сотувчига лизинг бўйича топшириш учун ундан шу мол-мулкни сотиб олиш мақсадида уни маблағ билан таъминлаган тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйилади. Лизинг шартномаси юқорида баён этилган қоидалар асосида тузиладиган бўлса, икки тарафлама шартномалар тоифасига киради. Чунки кўп тарафлама шартномада мавжуд бўлган учинчи шахс сотувчи айтилган пайтда лизинг олувчи билан бир шахсга айланади. Шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам икки иштирокчининг ўртасида вужудга келади. Зеро, И.Б.Зокиров “икки томонлама шартномада эса ҳар икки тараф ҳам мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлади”¹¹, деб таъкидлайди. Бунда лизинг берувчи ва

⁹ Зокиров И.Б.Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. –Тошкент.: ТДЮИ, 2009. -477 б.

¹⁰ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. I-қисм. –Тошкент.: ТДЮИ, 2010. -457 б.

¹¹ Зокиров И.Б.Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. –Тошкент.: ТДЮИ, 2009. -477 б.

сотувчи ўртасида икки тарафлама лизинг шартномаси тузилаётганида қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади. Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузиладиган олди-сотди шартномасига Фуқаролик кодексининг олди-сотдига доир қоидалари қўлланилади ҳамда унда иштирок этувчи тарафлар лизинг берувчи ва лизинг олувчи эмас, балки олди-сотди шартномасида бўлганидек, сотувчи ва сотиб олувчи деб номланади.

Иккинчидан, лизинг муқобил ижронинг мавжудлигидан келиб чиқиб ҳақ бараварига тузиладиган шартномалар тоифасига киради. Ҳақ бараварига тузиладиган “битим бўйича бир тараф мажбуриятни бажарганлиги (товарни топширганлиги, ишни бажарганлиги, хизмат кўрсатганлиги) учун иккинчи тарафдан ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади”¹². Бу ҳақда Фуқаролик кодексининг 355-моддасида шартнома бўйича тараф ўз бурчларини бажарганлиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома бўлади, деган қоида мустаҳкамланган. Ҳақ тўлаш лизинг олувчининг шартнома бўйича асосий мажбурияти ҳисобланади. Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи лизинг берувчига шартнома амал қилишининг бутун муддатига тақсимланган даврларда лизинг объектидан фойдаланганлиги учун лизинг тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаб боради. Лизинг тўловлари лизинг берувчига лизинг объекти қийматининг лизинг олувчи томонидан қопланишидан, шунингдек лизинг берувчининг фоизли даромадидан иборат бўлади. Лизинг тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади. (“Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддаси).

Учинчидан, лизинг шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келишига ва шартномалар тузилиш пайтига қараб консенсуал шартномалар гуруҳига мансуб¹³. Консенсуал латинча consensus сўзидан олинган бўлиб, келишув деган маънони англатади. Консенсуал деб –

¹² Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. I-қисм. –Тошкент.: ТДЮИ, 2010. -457 б.

¹³ Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. –Тошкент.: Илм-зиё, 2008. -202 б.

тарафлар томонидан битимнинг барча муҳим шартлари бўйича ўзаро келишиб олинган ва қонун бўйича талаб қилинган шаклда тузилган битимга айтилади. Бундай битим бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади¹⁴. Лизинг шартномасида айнан шундай тартибни кузатишимиз мумкин. Унга кўра тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар улар тегишли келишувга эришган ва ушбу келишув қонун талаб қилган шаклда расмийлаштирилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Шу пайтдан бошлаб тарафлар шартнома бўйича ўз зиммаларига олган ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришга киришишлари мумкин.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, лизинг шартномаси уч (икки) томонлама, ҳақ бараварига тузилади ва консенсуал характерли шартнома ҳисобланади.

¹⁴ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. I-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2010. -459 б.

II БОБ. Бозор иқтисодиёти шароитида лизинг муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши

2.1.Лизинг шартномаси тарафларининг ҳуқуқий ҳолати

Фуқаролик ҳуқуқи объектлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг муҳим эъэлементларидан биридир. Муайян бир моддий ёки номоддий объектларсиз фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тасаввур этиб бўлмайди. Айнан ҳуқуқий муносабатлар объектлар устида вужудга келади ва иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам унинг устида белгиланади. Фуқаролик ҳуқуқи объектларининг кўплиги ва хилма-хиллиги муносабатларнинг ҳам кўп ва хилма-хил бўлишини таъминлайди. Айниқса, давлат мустақиллигини қўлга киритилши билан янги-янги объектларнинг фуқаролик муомаласига киритилиши янги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда ҳам илм-фан ва техниканинг тараққий этиши натижасида фуқаролик муомаласига янги объектлари кириб келмоқда.

Фуқаролик ҳуқуқи объектлар ҳақида фикр юритган олимларнинг деярли барчаси фуқаролик субъектлари ҳаракатлари нимага қаратилган бўлса, ҳуқуқ ва мажбуриятлар нимани устида белгиланса, ҳаракат қаратилган, ҳуқуқ ва мажбурият белгиланган “нарсa”, объект ҳисобланадини таъкидлашади¹⁵.

Фуқаролик кодексининг 81-моддасида фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари назарда тутилган бўлиб, уларга ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулкый ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкый ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради. Ушбу объектлар гарчи фуқаролик ҳуқуқи объектларини ташкил этсада, уларнинг айримларигина лизинг объекти бўлиши мумкин. Лизинг объекти (айни пайтда лизинг шартномасининг предмети) шартноманинг муҳим

¹⁵ Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. I-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2010. -293 б.; Зокиров И.Б.Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. -100 б.; Караходжаева Д.М. Гражданское право. -Ташкент, O'qituvchi, 2007. -90 б.; Сергеев А.П., Толстой Ю.К., Гражданское право. Учебник. Том-1. –Москва: Проспект, 2007. -с 254.

шартларидан биридир. **Лизинг шартномасида лизинг объекти ҳақидаги шарт тарафлар ўртасида келишган бўлишлари шарт. Акс ҳолда шартнома тузилмаган ҳисобланади.**

Лизинг объекти ҳақидаги қоидалар Фуқаролик кодексининг 588-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра, истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин. “Лизинг тўғрисида” ги қонуннинг 3-моддасида ҳам худди шундай қоида назарда тутилган ва унда Фуқаролик кодекси нормалари биров тўлдирилган тарзда, айнан қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши аниқ кўрсатиб ўтилган. Яъни, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкӣ комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин.

Лизинг объекти ҳақидаги Фуқаролик кодекси ва “Лизинг тўғрисида” ги қонун нормалари лизинг объектига нисбатан муайян талабларни назарда тутди. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, лизинг объекти истеъмол қилинмайдиган ашё бўлиши лозим. Ушбу қоида барча мулк ижараси шартномаси турларига тегишлидир. Чунки Фуқаролик кодексининг 537- **“Мулк ижарасининг объектлари”**, деб номланган моддасида ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулкӣ комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар (истеъмол қилинмайдиган ашёлар) мулк ижарасига берилиши мумкинли мустаҳкамлаб қўйилган.

Бизга маълумки, ашёлар ўз хусусияти, тайинланиш мақсади, ягоналиги ва бошқа асосларга кўра бир неча турларга бўлинади. Жумладан, ашёларнинг фойдаланиш **муддати даражасига** қараб истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган турлари мавжуд. Бир қарра фойдаланиш натижасида йўқолиб кетадиган ёки дастлабки ҳолатида мавжуд бўлмай қоладиган ашёлар (хом ашё,

ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва шу кабилар) истеъмол қилинадиган ашёлар ҳисобланса, қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки ҳолатини узоқ вақт давомида сақлаб қоладиган ҳамда аста-секин емирилиб борадиган ашёлар (бинолар, ускуналар, транспорт воситалари) истеъмол қилинмайдиган ашёлар ҳисобланади (ФК 89-модда).

Лизинг олувчи лизинг объектидан кўп йиллар ўз манфаатларини қаноатлантиришда, ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фойдаланиш мақсадини кўзлайди. Шунинг учун ҳам лизинг объекти истеъмол қилинмайдиган ашёлар бўлиш қонунда қатий мустаҳкамлаб қўйилган. Истеъмол қилинмайдиган ашёлар ҳам узоқ вақт ўтиши билан йўқ бўлиб кетса ҳам кўп йиллар ундан фойдаланиш имконияти сақланиб қолади. Истеъмол қилинадиган ашёларда кўп марта фойдаланишни таъминлаш имконияти мавжуд бўлмаганлиги учун бундай ашёлар лизинг объектини ташкил этмайди.

Шунингдек, лизинг объекти (мулк ижараси объектлари) ижара муддати тугаши билан лизингга берувчи (ижарага берувчи)га қайтариб берилиши лозим. Истеъмол қилинадиган ашёларда буни амалга оширишнинг имконияти бўлмайди.

Иккинчидан, лизинг объекти тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ашё бўлиши лозим. Лизинг олувчининг лизинг объектини олишдан мақсади амалга ошираётган тадбиркорлигини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш доираларини кенгайтириш, аҳоли истеъмоли учун сифатли, харидоргир товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш орқали олинаётган даромадларини ортишини таъминлашдан иборатдир. Шу мақсадларга мос келадиган ашёларни лизинг объекти сифатида эътироф этишимиз мумкин. Масалан, йўловчи, юк ташишга мўлжалланган, қурилиш ёки қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган турли транспорт воситалари, ишлаб чиқариш восита ва технологиялари, турли ускуна, станоклар ва бошқалар.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, лизинг объекти тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ашё бўлиши лозимлиги ундан фақат

тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш лозим, деган қонидани келтириб чиқармайди. Лизинг объектларининг айримларидан шахсий, уй рўзгор ишларида фойдаланиш мумкин бўлади. Масалан, лизингга олинган трактор ёрдамида лизинг олувчи ўз томорқасидаги ерларни **шудгор** қилиши мумкин.

Айрим лизинг объектилари фақат тадбиркорлик мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган бўлади, шунинг учун ҳам ушбу объектлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Масалан, турли салқин ичимликларни қадоқлашга мўлжалланган техник қурилма.

Учинчидан, лизинг объекти фуқаролик муомаласидаги ашёлар бўлиши лозим. Объектларнинг муомалада бўлиши деганда, уларнинг эркин суратда бошқа шахсларга берилиши, топширилиши ёки ўтказилиши мумкинлиги тушунилади¹⁶. Объектларнинг муомалада бўлиши унинг тасарруф этилиши билан боғлиқ бўлмай, балки эркин суратда эгалик қилиш, фойдаланиш элементларини ҳам ўзига қамраб олади. Фуқаролик кодексининг 82-моддасида фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг муомалада бўлиши назарда тутилган бўлиб, улар учга бўлинади:

1. Эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бошқа шахсга ўтказилиши мумкин бўлган объектлар.

2. Муомаладан чиқарилган объектлар.

3. Муомалада бўлиши чекланган объектлар.

Бозор муносабатлари шароитида муомаладан чиқарилмаган объектлар доираси кенгайиб бормоқда. Илгари муомаладан чиқарилган айрим ашёлар (масалан корхона) ҳозирда эркин суратда бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин бўлган объектларга айлантирилди. Умумий қоидаларга биноан фуқаролик ҳуқуқлари объектлари турли фуқаролик-ҳуқуқий битимлар асосида бир шахсдан иккинчи шахсга уларнинг эрки билан тасарруф этилади. Бундай объектлар фуқаролик муомаладан чекланмаган ва мутлақ ҳамда нисбий

¹⁶ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. I-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2010. -304 б.

фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади¹⁷. Хусусий мулк ҳуқуқи объекти бўла оладиган ҳар қандай ашёларни эркин суратда муомалада бўладиган объектлар дейиш мумкин. Уларга озиқ-овқат, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак, уй ва офис жихозлари, пул ва қимматбаҳо қоғозлар, турли техник жихозлар, автотранспорт воситалари ва ҳоказолар киради. Ушбу объектларни бир шахсдан иккинчи шахсга турли битимлар асосида ўтказишда давлат органларининг розилиги ёки рухсатини олиш шарт эмас. Фақат конун ҳужжатларида назарда тутилган қатий талаб ва шартларга риоя этишнинг ўзи кифоя қилади. Масалан, мулкдор ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган транспорт воситасини сотишда Фуқаролик кодексининг 172-моддасида белгиланган мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартларига, шунингдек, қонунда олди-сотди шартномалари шаклига қўйилган талабларга риоя этиш шарт ва ҳоказо. Бундай қоида ва талабларга риоя этмаслик шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилишига ёки муайян битим ва шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Лизинг объектлари ҳам айнан муомаладан чиқарилмаган эркин суратда бошқа шахсларга ўтказиш мумкин бўлган объектлар бўлиши зарур. **Агар лизинг шартномаси бўйича муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган объектилар лизинг олувчига топширилиши назарда тутиладиган бўлса, мазкур шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.** Шунингдек, ҳар қандай эркин суратда ҳаракатда бўладиган ашёлар эмас, балки истеъмол қилинмайдиган ва тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ашёларгина лизинг объекти бўлади. Масалан, озиқ-овқат ёки уй-рўзғор буюмлари эркин суратда ҳаракатда бўладиган ашё, лекин лизинг объекти бўла олмайди.

Лизингга берилмайдиган объектлар жумласига Фуқаролик кодексида ер участкалари ва бошқа табиат объектлари киритилса, “Лизинг тўғрисида”ги қонунда ер участкалари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулклар киритилган (Қонуннинг 3-моддаси, 2-қисми).

¹⁷ Ўша асар -304 б.

Муомаладан чиқарилган объектлар - муомалада бўлишига йўл қўйилмайдиган фукаролик ҳуқуқлари объектларидир. Мазкур турдаги объектларга нисбатан мулк ҳуқуқи давлатга тегишлидир. Улар конунга мувофиқ фукаролик ҳуқуқий битимларнинг, шунингдек, лизинг шартномаси предмети бўлиши мумкин эмас. Уларни эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф этишга умуман йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги¹⁸ конунининг 4-моддаси 2-қисмида муомаладан чиқарилган, давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки объектлари рўйхати берилган. Унга кўра қуйидагилар давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайди:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида ер (конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

2. Маданий мерос объектлари, давлат фондларини киритган ҳолда, шу жумладан китобларнинг, кино, фото ва фоноҳужжатлар, архивлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг фондлари, музейлар ва музей бойликлари, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар;

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, валюта захирасининг, давлат мақсадли жамғармаларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маблағлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг олтин захираси;

4. Пул муомаласи бўйича хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотлари, қимматли қоғозларни, орденларни, медалларни ва почта тўлови белгиларини ишлаб чиқаришни таъминловчи корхоналар ва ташкилотлар;

5. Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари, муассасалари ва

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 14-сон, 109-модда.

ҳарбий-техникавий мол-мулки (саноатда қайта ишлов берилгунига қадар, шунингдек саноатда қайта ишлов берилиши мумкин бўлмаган мол-мулк);

6. Ионловчи нурланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб боровчи, рентген ускуналари, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

7. Радиоактив моддаларни кавлаб олиш, ишлаб чиқариш, ташиш, қайта ишлашни, радиоактив чиқиндиларни кўмиш, уран ва бошқа бўлинувчи материалларни, шунингдек улардан ясалган буюмларни реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

8. Қурол-яроғ ва ўқ-дорилар, ҳимоя воситалари, ҳарбий техника, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар ва улар учун асбоб-ускуналар, портловчи моддалар, пиротехника маҳсулотлари, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материаллар ва ускуналар ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар;

9. Овчилик ва спорт соҳасида фойдаланиладиган ўқотар қуроллар ва ўқ-дорилар, шунингдек тиг қурол (совға тарзидаги миллий пичоқлар бундан мустасно) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

10. Кучли таъсир этадиган заҳарлар, гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар ишлаб чиқарувчи, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар бўлган экинлар экувчи, етиштирувчи ва уларга қайта ишлов берувчи корхоналар;

11. Ўзбекистон Республикасининг давлат захиралари. Фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик мақсадидаги объектлар ҳамда мол-мулк;

12. Атом энергетикаси объектларини (ускуналари, тизимлари ва аппаратларини ўрнатиш) ва стратегик аҳамиятдаги объектларни қуриш ва монтаж қилиш ишларини олиб бориш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлашни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар ва ташкилотлар;

13. Портлаш хавфи бўлган ва захарли моддаларни ташишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар;

14. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари. Ҳарбийлаштирилган автоколонналар;

15. Санитария-эпидемиология станциялари. Суд-тиббий экспертизаси бюрolari. Атроф муҳит ҳолатини назорат қилувчи ҳамда табиатни муҳофаза қилувчи хизматлар;

16. Даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари, жазони ижро этиш муассасаларининг корхоналари;

17. Махсус вазифаларни бажарадиган корхоналар;

18. Қабристонлар.

Юқоридаги рўйхатда келтирилган объектлар хусусий мулкдорлар қўлига ўтказилмас экан, демак нафақат лизинг балки фуқаролик ҳуқуқининг ўзга шартномалари асосида ҳам бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас. Уларга фақат махсус ваколатга эга бўлган давлат корхона, муассаса ва ташкилотлари эгалик қилишлари мумкин. Муомаладан чиқарилган объектларни фуқаролар ва юридик шахслар эгалигида бўлиши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Лизингга берилмайдиган объектлардан яна бири фуқаролик момаласида бўлиши чекланган объектлардир. Муомалада бўлиши чекланган объектлар - муайян муомала иштирокчиларигагина қарашли бўла оладиган ёки муомалада бўлишига махсус рухсатнома билан йўл қўйиладиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларидир. Бундай объектлар махсус рухсатномага эга бўлган фуқаролик момаласининг чекланган доирадаги субъектлари ўртасида ҳаракатда бўладиган объектлардир. Бундай объектлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчи томонидан сотиб олингунга қадар лизинг берувчига тегишли бўлади. Лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар барча лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар қолган даврда оладиган даромади чегириб ташланган ҳолда тўланган тақдирда, агар лизинг

шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин.

Лизинг субъектлари. Лизинг субъектлари лизинг шартномасининг муҳим шартларидан бири бўлиб, шартномада тарафлар аниқ кўрсатилган бўлиши шарт. Лизинг шартномасида учта тараф лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи иштирок этади. Фуқаролик кодексининг 589-моддасида лизинг шартномаси субъектлари ҳақидаги қоидалар ўз аксини топган. Унга кўра, келажакда лизинг олувчига лизинг бўйича топшириш мақсадида мол-мулкни ўзига мулк қилиб олувчи шахс лизинг берувчи деб тан олинади.

Бир қарашда лизинг берувчи шахсга берилган таъриф мукамалдек туюлсада, унда биров камчиликлари борлиги кўзга ташланади. Яъни, қонунда айнан кимлар лизинг берувчи сифатида иштирок этиши ҳақидаги қоида, шунингдек, лизинг берувчи юридик шахс мақомига эга бўладими ёки юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғилланаётган жисмоний шахслар ҳам лизинг берувчи бўлиши мумкинми, -деган саволлар қонунда очиқ қолдирилган.

Фуқаролик кодекси ва “Лизинг тўғрисида”ги қонунда фуқаролар (жисмоний шахслар)нинг шартнома бўйича лизинг берувчи сифатида иштирок этишини назарда тутувчи ёки иштирок этишини тақиқловчи нормалар мавжуд эмас. Ушбу ҳолатда Фуқаролик ҳуқуқининг қонунда нимаки таъқиқланмаган бўлса, рухсат берилади, деб номланувчи тамойилига риоя этиладиган бўлса, фуқаролар (жисмоний шахслар) ҳам лизинг муносабатларида лизинг берувчи сифатида иштирок этишлари мумкинлигини кўрсатади. Агар фуқаро лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган бўлса, лизинг фаолияти тадбиркорлик фаолиятининг бир тури бўлганлиги сабабли ё юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан ушбу фаолият билан шуғилланиши мумкин.

Шунингдек, лизинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги Қарори билан тасдиқланган “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхати”га киритилмаганлиги

учун лизинг берувчи сифатида фаолият олиб боришга махсус рухсатнома (лицензия) олиш талаб этилмайди.

Лизинг муносабатларида юридик шахслар ўз фаолият мақсадларига зид келмаган ҳолда лизинг берувчи сифатида иштирок этишлари мумкин. Юридик шахсларнинг лизинг берувчи сифатида иштироки юзасидан қонун ҳужжатларида ҳеч қандай талаб ёки чеклов назарда тутилмаган. Бундай фаолиятни амалга оширишга кўп миқдорда молиявий маблағ талаб этилиши одатда лизинг берувчи сифатида турли молия муассасалари иштирок этишини англатади. Бундай молия муассасаларига банклар, кредит уюшмаларини мисол қилиш мумкин.

Тадбиркорликни ривожлантиришда, улар фаолиятига турли техник воситалар, технологиялар, асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларини жалб этишда, давлат корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда лизинг фаолиятининг юқори самарали эканлиги мамлакатимизда ҳар бир соҳага ихтисослашган лизинг компаниялари ташкил этилишига замин яратди. Масалан, “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси мелиоратив техниканинг кўп профили мавжуд паркини янгилаш ва шакллантиришни рағбатлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолияти билан шуғулланувчи сув хўжалиги қурилиш ва фойдаланиш ташкилотларига замонавий мелиорация техникаси ва асбоб-ускуналари етказиб берилишини таъминлаш мақсадини кўзлайди¹⁹.

Хозирги кунда мамлакатимиз лизинг бозорида кўплаб давлатга қарашли лизинг компаниялари фаолият олиб бормоқда. Бу шуни англатадики, давлат корхона, муассаса ва ташкилотлари ҳам лизинг берувчи сифатида иштирок этиши мумкин. Республикамизда ҳозирда бир қатор йирик лизинг компаниялари фаолият олиб бормоқда. Уларга Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг, Ўзкейсагролизинг, Ўзмелиомашлизинг, Ўзбеклизинг, Ўзбек Лизинг Интернейшнл АЖ, Авиализинг, Баракализинг, Қурилишлизинг ва бошқаларни кiritиш мумкин.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 539-модда.

Республикаларимизда фаолият кўрсатаётган лизинг компанияларни ташкил этиш тартибини таҳлил этадиган бўлсак, улар юридик шахс ташкил этишнинг буйруқ усулида, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида ташкил топганлигини гувоҳи бўламиз. Масалан, Ўзбек Лизинг Интернейшнл АЖ қўшма лизинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 январдаги Қарори²⁰ асосида ташкил этилган бўлиб, унинг акциядорлари Осиё тараққиёт Банки, Европа тикланиш ва тараққиёт Банки, Халқаро молия корпорацияси, “Мейбанк” (Малайзия), Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий фаолият миллий банкидир. Дастлаб у “Ўзлизинг Интернейшнл Лтд”, деб номланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 мартдаги Қарори билан ўзгартириш киритилган. Унинг бош вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- технология асбоб-ускуналарини республиканинг мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларига лизингга бериш учун сотиб олиш ва улардан фойдаланишни узоқ муддатларда маблағ билан таъминлаш;

- экспорт имкониятларини кўпайтириш ва импортнинг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига лизинг доирасида илғор технологияларни жалб этиш;

- ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни кўпайтириш учун кенг қўламли лизинг хизматлари кўрсатиш;

- лизинг операцияларини амалга ошириш услубиётини ҳамда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича тавсияномаларни ишлаб чиқиш.

Лизинг берувчи лизинг муносабатларига бевосита лизинг олувчининг топшириғи билан киришади. Лизинг олувчи ўзини тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки уни ривожлантириш мақсадида лизинг берувчига муайян техника ёки техникаларни ёхуд транспорт воситаси (лизинг объекти)ни лизингга беришни сўраб мурожаат қилади. Лизинг берувчи лизинг олувчи

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1995 йил, N 1, 1-модда.

манфаатларига мос келадиган лизинг объектини ўз маблағлари ҳисобига сотиб олади ва лизинг шартномаси асосида лизинг олувчига беради.

Лизинг олувчи лизинг берувчига лизинг объектини кимдан сотиб олиш ҳақида кўрсатма берши ҳам мумкин. Масалан, фермер хўжалиги Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг компаниясига ТТЗ заводида ишлаб чиқарилаётган тракторлардан икки дона лизингга беришини сўраб мурожаат қилади. Бунда фермер хўжалиги лизинг олувчи, Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг компанияси лизинг берувчи, ТТЗ сотувчи сифатида иштирок этади. Лизинг объекти бўлиб ТТЗда ишлаб чиқарилган тракторлар ҳисобланади.

Лизинг шартномасида иштирок этадиган иккинчи тараф лизинг олувчи шахсдир. Фуқаролик кодексининг 589-моддаси 2-қисмида лизинг олувчига қуйидагича таъриф берилган: эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг объектини оладиган шахс лизинг олувчи деб ҳисобланади. Лизинг олувчи муайян лизинг объектини сотиб олишга имконияти бўлмаган, бироқ лизинг объекти ҳисобланган ашёга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш юзасидан эҳтиёжи бўлган шахсдир.

Шартномада лизинг олувчи сифатида фуқаролар, юридик шахслар ва давлат корхоналари иштирок этиши мумкин. Лизинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларида лизинг олувчилар доираси кўрсатилмаган. Бир сўз билан айтганда, фуқаролик ҳуқуқининг барча иштирокчилари лизинг шартномасида лизинг олувчи сифатида иштирок этишлари мумкин. Фуқаро лизинг муносабатларида иштирок этганда, албатта, тўла муомалага лаёқатли бўлиши талаб этилади. Муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахслар лизинг муносабатларида иштирок этишлари мумкин эмас.

Бозор муносабатлари жадаллик билан ривож топаётган мамлакатимизда асосий лизинг олувчи субъектлар сифатида фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар иштирок этмоқда.

Лизинг муносабатларида иштирок этаётган учинчи тараф бу сотувчидир. Фуқаролик кодексининг 589-моддаси 3-қисмида лизинг берувчи лизинг

объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Сотувчи муайян транспорт воситаларини, тадбиркорликда фойдаланиладиган асбоб-ускуна ва технологияларни ишлаб чиқарувчи ёки уларни сотиш мақсадида сотиб олган шахс бўлиши мумкин. Сотувчи сифатида жисмоний ва юридик шахслар, давлат корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Сотувчи сотилаётган махсулотнинг мулкдори ёки у вакил қилган бошқа шахс бўлиши мумкин. Лизинг берувчи сотувчидан ашёни лизингга бериш учун сотиб олаётганлиги ҳақида огоҳлантириши шарт. Шундагина сотувчи лизинг шартномасининг тарафи сифатида шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз зиммасига олади ва лизинг шартномасининг тарафи сифатида эътироф этилади. Акс ҳолда улар ўртасидаги муносабатлар оддий олди-сотди шартномасидан иборат бўлади ва унда иштирок этувчи тарафлар сотувчи ва сотиб олувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади.

Лизинг шартномасининг фуқаролик ҳуқуқининг бошқа шартномаларидан ўзига хос хусусиятларидан бири унда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйилишидандир. Фуқаролик кодекси 589-моддаси 4-қисмида бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйиладиган қуйидаги икки ҳолати назарда тутилган:

- лизинг берувчи мол-мулкни бўлажак фойдаланувчидан сотиб олган тақдирда;

- лизинг берувчи келажакда мол-мулкни сотувчига лизинг бўйича топшириш учун ундан шу мол-мулкни сотиб олиш мақсадида уни маблағ билан таъминлаган тақдирда.

Ушбу ҳолатда фақат икки шахс лизинг берувчи ва лизинг олувчи иштирок этади. Лизинг берувчи лизинг объектини сотиб олишда олди-сотди шартномасининг бир тарафи сифатида сотиб олувчи лизинг олувчи эса сотувчи сифатида қатнашадилар. Улар ўртасида ушбу лизинг ва олди-сотди шартномалари алоҳида-алоҳида тузилади.

Буни қуйидаги мисол билан тушунтириш мумкин. “Музаффар” фермер хўжалиги ўз балансида бўлган Тошкент тарктор заводида ишлаб чиқарилган Т-80 тракторини ихтисослашган Ўзкейсагролизинг компаниясига мурожаат қилиб, ушбу тракторни ўзига лизинг шартномаси асосида беришини сўрайди. Ўзкейсагролизинг Т-80 тракторини дастлаб “Музаффар” фермер хўжалигидан олди-сотди шартномаси асосида сотиб олади. Бунда тарафлар олди-сотди шартномасидаги каби сотувчи ва сотиб олувчи сифатида иштирок этадилар. Кейинчалик Ўзкейсагролизинг “Музаффар” фермер хўжалигига қайтадан лизинг шартномаси асосида Т-80 тракторини беради. Бунда Ўзкейсагролизинг лизинг берувчи бўлса, “Музаффар” фермер хўжалиги лизинг олувчи бўлиб қатнашади. Ушбу мисолда “Музаффар” фермер хўжалиги ҳам сотувчи ҳам лизинг олувчи сифатида иштирок этади.

Ушбу ҳолатни бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлар, фермер хўжаликларини қисқа вақт ичида молиявий маблағ ва техника воситалари билан таъминлашнинг самарали усулларида бири сифатида баҳолаш мумкин.

2.2. Лизинг шартномаси шакли

Лизинг шартномасининг шакли унинг ифода этиш усулидир. Ифода этиш усулига кўра Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бир биридан фарқ қилади. Шартнома тузишда унинг тарафлари эрк-иродасини қонун талаб қилган шаклда ифодалаш битимнинг ҳақиқий саналиш шартларидан бири ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 105-моддасига кўра, битимлар оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади.

Сукут сақлаш қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида назарда тутилган ҳолларда битим тузишга бўлган хоҳиш-ироданинг ифодаси ҳисобланади.

Битимларнинг шакллари асосан улар манъбаида ётган мулкӣ ҳуқуқлар, тузиш тартиби ва тузиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқӣ оқибатларига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратилади: а) оғзаки; б) ёзма; в) конклюдент; г) сукут сақлаш²¹.

²¹ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Битимлар. –Тошкент.: ТДЮИ, 2010. -44 б.

Лизинг шартномаси шакли ҳақидаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг лизинг оид нормаларида ўз аксини топмаган бўлса-да, “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, лизинг шартномаси ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади. Ушбу қоидадан кўриниб турибдики, лизинг шартномаси фақат ёзма шаклда тузиладиган шартномалар турига киради.

Битимларнинг оддий ёзма шакли ҳақида И.Б.Зокиров оддий ёзма битим битимнинг шартларини ўз ичига олган ва тарафлар (ёки бир тараф) томонидан имзоланган ҳужжатдир²², деб, Ҳ.Р.Раҳмонқулов битимнинг ёзма шакли тегишли талаблар ўз ифодасини топган ҳужжатни тузишдан иборат²³ деб, М.В.Коротов эса, битимнинг ёзма шакл иштирокчиларнинг эрклари ифода этилган, битим мазмунини акс эттирган ва шахслар томонидан имзоланган ҳолда тузилган ҳужжатдир²⁴, деб таъриф беришган. Берилган таърифлардан кўриниб турибдики, битимнинг оддий ёзма шакли ҳақида цивилист олимларнинг қарашларида деярли фарқлар мавжуд эмас.

Ёзма шаклда тузилган лизинг шартномаси тарафлари юридик шахс бўлган ҳолларда уларнинг муҳри билан тасдиқланиши мумкин. Лизинг шартномасининг қонунда назарда тутилган ёзма шаклига риоя қилмаслик Фуқаролик кодексининг 109-моддаси 3-қисмида назарда тутилган қоидалардан келиб чиқиб, унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Лизинг шартномасининг шаклига нисбатан қонунда юқорироқ талаблар ҳам назарда тутилган. У нафақат оддий ёзма шаклда, балки, нотариал тасдиқланган шаклда ҳам тузилиши мумкин. “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси иккинчи қисмида лизинг шартномасининг нотариал тасдиқланадиган ҳолатлар ўз аксини топган. Унга кўра лизинг шартномаси қуйидаги ҳолларда :

- шартнома тарафларидан бирининг талабига кўра;

²² Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. -249 б.

²³ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Битимлар. –Тошкент: ТДЮИ, 2010. -48 б.

²⁴ Коллектив авторов. Гражданское право. Учебник. Том 1. М.: Проспект, 2007. -288-с.

- мол-мулк лизинг объекти ҳисобланиб, у ҳақда тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда нотариал тасдиқланиши лозим.

Битимни нотариал тасдиқлаш давлат нотариуси ёки нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахслар томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Шартнома тарафларидан бирининг талабига кўра лизинг шартномасини нотариал тасдиқлаш барча фуқаролик-ҳуқуқий битимлар учун умумий қоидадир. Фуқаролик кодексининг битимларни нотариал тасдиқлаш деб номланган 110-моддаси иккинчи қисмида битимни нотариал тасдиқлаш қонунда кўрсатилган ҳолларда ёки тарафларнинг бирининг талаби билан амалга оширилиши назарда тутилган. Ҳар қандай шартнома тарафларнинг талаби билан нотариал тасдиқланиши мумкин. Бироқ айрим шартномаларда нотариал тасдиқлашни тарафларнинг талаб қилишини мантиқсиз, ортиқча ҳаракат ва ортиқча маблағ сарф этилиши билан изоҳлаш мумкин. **Масалан, кундалик истеъмол товарларини харид қилиш учун тарафлардан бирининг чакана олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқлашни талаб этиши.**

Битим тузишни соддалаштириш ва қонунда талаб қилинган шаклга риоя қилмаслик қонун бўйича мумкин эмас. Қонунда нотариал шаклини қўллаш талаб қилинган бўлса, уни оддий ёзма шаклига ёки ёзма шаклини оғзаки битимга алмаштиришга қонун йўли қўймайди. Бунинг акси сифатида, агар битимнинг шакли мураккаблаштирилган бўлса, масалан тарафларнинг бирини талаби ёки уларнинг келишуви билан оддий ёзма шаклини ўрнига битимни нотариал тартибда тасдиқлаш ҳақида келишилган бўлса, қонун бунга йўл қўяди, чунки бундай ҳолат битим бўйича салбий оқибатлар юзага келиши учун сабаб бўлмайди. Масалан, қонунда битим оғзаки шакли бўлиши назарда тутилган бўлсада, тарафлар битимни ёзма шаклда тузишлари, қонун талаб қилмасида тарафлар оддий ёзма битимни нотариал тартибда тасдиқлашлари мумкин.

Тарафлар қонун билан нотариал шакли талаб қилинмаган ҳар қандай битимни ўзаро келишилган ҳолда нотариал тартибда тасдиқлашга ҳақли.

“Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 43-моддасига мувофиқ нотариуслар фақат нотариал шаклда тасдиқланиши мажбурий қилиб қўйилган битимларни эмас, шунинг билан бирга тарафларнинг хоҳишига кўра бошқа битимларни ҳам тасдиқлашлари мумкин²⁵.

Лизинг шартномасининг нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган ҳолатлардан яна бири лизинг объектининг қиймати, аҳамиятидан келиб чиқилади. Дарҳақиқат лизингга берилаётган айрим ашёларнинг қиймати ва жамиятда бажарадиган вазифасига кўра муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Жумладан, лизинг шартномаси объекти бўлган автотранспорт воситаларидан турли тадбиркорлик мақсадларида (ташшиш хизматларини кўрсатишда, турли пудрат ишларини бажаришда) кенг фойдаланилади. Умумий қоидадан келиб чиқиб автотарнспорт воситаларини кўчар ашёларга киритиш мумкин. Зеро, улар ўзларининг табиий тайинланиш мақсадига кўра бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши мумкин. Бунда автомобилнинг табиий тайинланиш мақсади ва вазифаси ўзгармайди. Аксинча автомобиллар бир жойдан иккинчи жойга тез етиб бориш мақсадида ихтиро қилинган қурилма ҳисобланади ва унинг вазифаси ҳам айнан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш ҳисобланади²⁶. Бироқ, юридик адабиётларда, мутахассислар орасида автомобил (умуман автотранспорт воситалар)ларга алоҳида мол-мулк объекти сифатида қаралмоқда²⁷.

Гарчи автотранспорт воситалари кўчар ашё сифатида эътироф этилсада, улар объект бўладиган шартномалар шаклига қонунчилик алоҳида кўчмас мулклардаги каби тартибни белгилайди. Кўчмас мулклар билан боғлиқ битимларга қонунда қандай тартиб назарда тутилган бўлса, уларга ҳам худди шундай қоидалар тадбиқ этилади.

Демак, автотранспорт воситалари лизинг шартномаси асосида берилганда ушбу шартнома нафақат нотариал тасдиқланиши, балки давлат рўйхатидан

²⁵ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Битимлар. –Тошкент.: ТДЮИ, 2010. -56-57 б.

²⁶ Гайбуллаев А.И. Автотранспорт воситалари билан етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2010. 19 б.

²⁷ Зокиров И., Оқюлов О., Баратов М. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар.-Т.:ТДЮИ.2003.-75 б.

ҳам ўтказиш талаб этилади. Улар айнан кўчмас мол-мулклар каби давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган объектлардан бири ҳисобланади.

“Лизинг тўғрисида”ги қонунда айрим лизинг объектларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳақидаги қоидалар мустаҳкамланган. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, лизинг объекти лизинг олувчи балансида ҳисобга олинади. Давлат органларида рўйхатдан ўтказилиши талаб этиладиган лизинг объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг берувчининг ёки лизинг олувчининг номига расмийлаштирилади.

Фуқаролик кодексининг 84-моддасида кўзда тутилган, кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қоидалар, автотранспорт воситаларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Ушбу моддага мувофиқ, кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар Ўзбекистон Республикаси Давлат автомобил назорати органларида рўйхатдан ўтказилади.

Битимларни давлат рўйхатидан ўтказилишининг афзалликлари ҳақида Ҳ.Р.Раҳмонқулов қуйдагиларни таъкидлайди:

- тузилган битим тўлиқ юридик кучга эга бўлади;
- рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжат шахснинг ҳақиқатда ҳуқуқ в мажбуриятларга эга бўлганлигидан далолат беради;
- рўйхатдан ўтказишнинг ягона давлат тизими битимларни тўлиқ ҳисобга олиш учун имконият яратади;
- рўйхатдан ўтказиш, агар қонун билан ман қилинмаган бўлса, манфаатдор шахс томонидан у ёки бу тузилган битим ва унга асосан вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан танишиш ва ўрганиб чиқиш учун ёрдам беради;

- рўйхатдан ўтказиш битимда унинг тарафларининг хусусий шунинг билан бирга давлат манфаатлари қанчалик даражада инобатга олинганлигини аниқлаш учун имконият яратади²⁸.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, лизинг шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт, лизинг берувчи ёки олувчининг талаби билан ёки айрим мол-мулкларни лизингга бериш нотариал тартибда тасдиқланиши шарт. Шунингдек, айрим мол-мулкларни лизингга бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши мумкин. Лизинг шартномаси шаклига риоя этмаслик уни ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлади.

Шартноманинг мазмунини, И.Б.Зокиров унинг бандлари (шартлари, реквизитлари) ташкил этиши²⁹ни маълум қилган бўлса, Н.Д.Егоров шартнома мазмуни тарафлар келишувга эришган шартлар³⁰дан иборат бўлишини таъкидлайди. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқида шартномалар мазмунини уларда иштирок этаётган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади³¹, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, лизинг шартномасининг мазмунини, **тарафлар томонидан келишилган шартлар унда иштирок этаётган тарафлар (лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади.**

Лизинг шартномаста юқорида айтиб ўтганимиздек, лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчилар тараф сифатида қатнашадилар. Тарафлар шартномани тузиш жараёнида унда ўз аксини топши зарур бўлган барча муҳим шартлар ҳақида, хусусан, ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида келишиб олган бўлишлари шарт. Шартномада унинг муҳим шартларини белгилш ҳақиқий ҳисобланашининг гаровидир.

Умуман, юридик мазмунига кўра, шартнома шартлари уч турга муҳим, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлиниши юридик адабиётлардан бизга

²⁸ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Битимлар. -Тошкент.: ТДЮИ, 2010. -58-59 б.

²⁹ Зокиров И.Б.Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. –Тошкент.: ТДЮИ, 2009. -483 б.

³⁰ Коллектив авторов. Гражданское право. Учебник. Том 1. М.: Проспект, 2007. -588 с.

³¹ Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. –Тошкент.: Илм-зиё, 2008. -75 б.

маълум³². Шартноманинг тузиш учун зарур ва етарли бўладиган, унинг назарда тутилмаслиги шартноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўладиган шартлари муҳим шартлар ҳисобланади.

“Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси учинчи қисмида лизинг шартномаси учун муҳим шартлар ўз аксини топган унга кўра қуйидагилар муҳим шарт ҳисобланади:

- лизинг объектининг тавсифланиши (лизинг объектининг миқдори, сифати, рўйхати, контракт қиймати ва бошқа кўрсаткичлари) ва шартнома умумий пул суммасининг кўрсатилиши;

- тарафларнинг лизинг объектини олиш ва бериш билан боғлиқ мажбуриятлари;

- лизинг объектини бериш тартиби, шу жумладан лизинг объектини етказиб бериш, монтаж қилиш ва фойдаланишга топшириш тартиби;

- лизинг тўловларини тўлаш шартлари, миқдорлари, муддатлари ва тартиби;

- лизинг объектидан фойдаланиш, унга қараш, уни сақлаб туриш ва таъмирлаш юзасидан тарафларнинг мажбуриятлари;

- шартноманинг амал қилиш муддати;

- сотувчи ва лизинг объектини танлаш учун масъул тарафнинг кўрсатилиши.

Лизинг шартномасининг тарафлари ушбу шартлар ҳақида ўзаро келишиб олишлари шарт. Агар тарафлар ушбу шартлардан бирортаси юзасида келишувга эриша олмаган тақдирда, юқорида айтиб ўтганимиздек, лизинг шартномасининг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади. Лизинг берувчи ёки лизинг олувчининг талаби (аризасига кўра) билан яна бошқа шартлар ҳам муҳим шарт сифатида эътироф этилиши мумкин.

Лизинг шартномасининг муҳим шартларидан ташқари одатдаги шартлари ҳам қонунда ўз аксини топган. Одатдаги шартлар муайян мажбуриятга оид

³² Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. -483 б., Коллектив авторов. Гражданское право. Учебник. Том I. М.: Проспект, 2007. -588 с.

муносабатни тартибга соладиган диспозитив нормалар билан белгиланадиган шартлар ҳисобланади³³. Одатдаги шартлар шартномада назарда тутилиши ёки тутилмаслиги унинг ҳақиқий эмас деб топилишига таъсир ўтказмайди. Лизинг шартномасининг бундай шартлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- лизинг объектини сотиб олиш тартиби ва муддатлари;
- лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш;
- лизинг объектини суғурта қилиш;
- форс-мажор ҳолатлар;
- лизинг берувчи қўшимча хизматлар кўрсатиши, бундай хизматларсиз лизинг объектидан фойдаланиб бўлмаса;
- лизинг субъектлари томонидан лизинг шартномаси шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби.

Лизинг шартномасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Лизинг шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш улар ўртасида турли низоларни олдини олишга, мажбуриятларни ўз вақтида адо этишга хизмат қилади. Шу маънода, Фуқаролик кодекси ва “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари назарда тутилган. Унга кўра, **лизинг берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:**

- лизинг олувчининг лизинг объектидан қандай шароитларда фойдаланаётганлигини ва уни белгиланган мақсадига мувофиқ ишлатаётганлигини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ назорат қилиш;
- лизинг олувчининг розилиги билан лизинг объекти ва унинг сотувчисини танлаш;
- лизинг тўловларини ўз вақтида тўлашни талаб қилиш;

³³ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. -483 б.

- лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фоизи билан тўлашни талаб қилиш

- қонун ҳужжатларида ёки лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини талаб қилиб олиш;

- лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларини тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтариб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш.

Агар лизинг объекти лизинг берувчининг айби билан етказиб берилмаган бўлса ёки лизинг шартномаси шартларига номувофиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчининг розилиги билан ўзи лозим даражада бажармаган лизинг шартномаси шартларини тузатиб бажаришга ёки лизинг олувчига бошқа лизинг объектини таклиф этишга ҳақли.

Лизинг берувчининг шартнома бўйича мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши;

- лизинг олувчи учун мол-мулк олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига маълум қилиши;

- лизинг шартномаси объекти бўлган мол-мулк (агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса) сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилишини таъминлаш;

- лизинг объектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса, сақлаб туриш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизинг олувчи олдида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши;

- лизинг объектини лизинг олувчига шартнома шартларига жавоб берадиган ҳолатда ва унда келишилган муддатда топшириши шарт.

Лизинг берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

Фуқаролик кодекси ва “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасида лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, унга кўра **лизинг олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- лизинг объектини мустақил аниқлаш ва сотувчини танлаш;
- лизинг берувчидан лизинг шартномасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш;
- сотувчига лизинг объекти олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаши ва ҳоказолар хусусида талаблар қўйиш;
- лизинг шартномаси бўйича олган мол-мулкни лизинг берувчининг розилиги билан қўшимча лизингга топшириш;
- лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи илгари бўнак сифатида тўлаган пулларини, лизинг объектидан фойдаланишдан олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилиш;
- шунингдек, лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг тўловларини тўхтатиб туриш;
- етказиб берилаётган мол-мулкни рад этиш ва лизинг шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли;
- лизинг шартномасининг нарсаси бўлган мол-мулк шу шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддатда лизинг олувчига топширилмаган бўлса, лизинг берувчи жавобгар бўладиган ҳолатлар туфайли муддат ўтказиб юборилган

тақдирда, лизинг олувчи шартномани бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Учинчи шахс ундирувни лизинг объектига қаратганда лизинг олувчи лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг объектини мулк қилиб олиш билан бир пайтда лизинг шартномаси бўйича тегишли лизинг тўловлари қолдиғини лизинг берувчининг қолган даврда оладиган даромадини чегириб ташлаган ҳолда бир йўла тўлашга ҳақли.

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган лизинг объектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга қўшимча лизингга топширишга ҳақли. Бунда “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг қоидалари қўшимча лизинг шартномасида қўшимча лизинг берувчига, қўшимча лизинг олувчига ва сотувчига нисбатан мувофиқ равишда лизинг берувчига, лизинг олувчига ва сотувчига бўлганидек қўлланилади.

Қўшимча лизинг шартномасининг амал қилиш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан кам ёки тенг бўлиши мумкин, бироқ ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Лизинг шартномасининг муддати тугагач, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб қолади.

Лизинг олувчининг шартнома бўйича мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- лизинг олувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаши,
- лизинг объектини қабул қилиб олиши;
- мол-мулкдан уни етказиб бериш шартларига мувофиқ фойдаланиши;
- уни соз ҳолда сақлаши;
- ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ишларини бажариши;
- сақлаш бўйича бошқа харажатларни амалга ошириши шарт.

Лизинг шартномаси бекор қилинганида лизинг олувчи мол-мулкни лизинг берувчидан олган ҳолатида унинг нормал эскиришини ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, қайтариб беришга мажбур. Лизинг олувчининг лизинг объектини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатишга доир ҳуқуқи ва мажбурияти сотувчи билан алоҳида тузилган шартномада белгиланиши мумкин. Лизинг олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи ҳам лизинг олувчи ҳам ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан тўла ёки қисман воз кечиш ҳуқуқига эга. Лизинг берувчи лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ёки қисман учинчи шахслар фойдасига воз кечишини лизинг олувчини хабардор қилган ҳолда амалга ошириши мумкин бўлса, лизинг олувчи лизинг берувчининг рухсати билан ушбу ҳуқуқни амалга ошириши мумкин (“Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси). Агар лизинг олувчининг лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларидан учинчи шахслар фойдасига воз кечишига лизинг берувчи рухсат бермайдиган бўлса, у бу ҳуқуқни амалга оширишга ҳақли эмас.

Лизинг шартномаси бўйича тарафлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлардан учинчи шахслар фойдасига воз кечишлари шартноманинг бекор бўлишига олиб келмайди. Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг берувчидан учинчи шахсга ўтганда, лизинг олувчи билан тузилган лизинг шартномаси янги мулкдор учун ўз кучини сақлаб қолади.

Лизинг объектини nobud бўлиш, йўқолиш, ўғирлаш, шикастланиш, бузилиш ва барвақт эскириш хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан амалга оширилади. Тарафлар ўртасида бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.

Лизинг муносабатларида лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш билан бирга, сотувчига нисбатан ҳам муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Сотувчи билан бўладиган муносабатларда

лизинг олувчи ва лизинг берувчи солидар кредитор сифатида иштирок этадилар.

Лизинг объектининг олди-сотди шартномаси лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида тузилиб, унга кўра лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғига биноан лизинг объектини кейинчалик лизинг олувчига бериш учун ўз мулки қилиб олади. Тарафларнинг хоҳишига кўра лизинг объектининг олди-сотди шартномаси лизинг шартномаси кучга киришидан олдин ёки кейин тузилиши мумкин. Лизинг объекти олди-сотди шартномасини тузиш пайтида лизинг берувчи лизинг объекти қайси мақсадда олинаётганлигидан сотувчини олдиндан хабардор қилиши, буни олди-сотди шартномасида қайд этиши шарт.

Лизинг шартномасида иштирок этаётган сотувчи олди-сотди шартномасидаги каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Бунда олди-сотди шартномасидан фарқли ўлароқ, ушбу шартномадан келиб чиқадиган талабларни сотувчига нафақат лизинг берувчи (сотиб олувчи) балки, лизинг олувчи ҳам қўйиш ҳуқуқига эга бўлса, сотувчи шартномадан келиб чиқадиган барча талабларни лизинг берувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Лизинг олувчидан эса, талаб қиладиган ҳуқуқлари доираси чегараланган бўлади. Ундан фақат лизинг объектини қабул қилиб олиш ва фойдаланиш жараёни билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган талабларни қўя олади.

Лизинг олувчи лизинг шартномасининг нарсаси бўлган мол-мулкни сотувчига сотувчи билан лизинг берувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни, хусусан мол-мулкнинг сифати ва бутлиги, уни етказиб бериш муддатлари ҳақидаги талабларни ва шартнома сотувчи томонидан зарур даражада бажарилмаётган бошқа ҳоллардан келиб чиқадиган талабларни қўйишга ҳақли. Бунда лизинг олувчи, мазкур мол-мулкнинг олди-сотди шартномасидаги тарафлардан бири бўлгани каби, Фуқаролик кодексида сотиб олувчи учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади (сотиб олинган мол-мулк ҳақини тўлаш мажбурияти бундан мустасно). Бироқ лизинг олувчи сотувчи

билан олди-сотди шартномасини лизинг берувчининг розилигисиз бекор қила олмайди.

Лизинг муносабатларида сотувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- сотилган лизинг объекти ҳақини тўлашни;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни;
- лизинг объектидан мақсадига мувофиқ фойдаланишни;
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган зарарларни қоплашни ва

бошқалар. Ушбу ҳуқуқларни лизинг берувчидан талаб қилишга ҳақли бўлиб, лизинг олувчидан эса, сотилган мол-мулк ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Шунингдек, лизинг шартномасида сотувчининг **мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:**

- товарни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш (сотувчининг асосий мажбурияти);

- олди-сотди шартномасида назарда тутилган товарни лизинг олувчи шахс жойлашган жойда топшириш;

- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топшириш;

- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;

- 3-шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан холи бўлган товарни топшириш;

- товарни шартномада кўрсатилган асартиментда топшириш;

- товарни мансуб ашёлари ва тегишли ҳужжатлари билан бирга топшириш;

- шартномада назарда тутилган бут товарларни топшириш;

- шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки товарнинг хусусиятидан келиб чиқиб сотувчи сотиб олувчига товарни идишда ёки ўралган ҳолда топшириш;

- товарни сотиб олувчига топширгунга қадар сақлаш ва бошқа мажбуриятлар.

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларнинг сотувчи томонидан бажарилиши учун лизинг олувчи олдида жавобгар бўлмайди, сотувчи танлаш бўйича жавобгарлик лизинг берувчининг зиммасида бўлган ҳоллар бундан мустасно. Сотувчини лизинг берувчи танлаган тақдирда, лизинг олувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни ўз хоҳишига қараб, солидар жавобгар бўлган мол-мулк сотувчи олдида ҳам, лизинг берувчи олдида ҳам қўйишга ҳақли.

Лизинг шартномаси икки томонлама тузилган ҳолларда сотувчининг лизинг олувчи олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва лизинг олувчининг сотувчи олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд бўлмайди. Бу муносабатда фақат лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида лизинг ва олди-сотди шартномаларига доир ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бўлади ҳолос. Лизинг шартномаси бундай тартибда тузилган ҳолларда айрим ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалда қўлашнинг эҳтиёжи қолмайди. Масалан, лизинг берувчи сотиб олаётган ашёни лизингга бериши ҳақида сотувчини огоҳлантириш мажбурияти ёки лизинг объектини лизинг олувчи жойлашган жойда топшириш мажбурияти ва бошқалар.

2.3.Лизинг шартномаси шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги ва шартномани бекор бўлиши

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг мустақил тури бўлиб, ҳуқуқбузарга нисбатан белгиланадиган санкция сифатида, ҳуқуқбузарнинг қўшимча мулкӣ харажатни қилишга ҳамда янги мажбуриятни бажаришга мажбур қилади³⁴.

Мажбурият юзасидан қарздор бўлган шахс уни бутунлай бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, мажбуриятни бажариш юзасидан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилмаслиги ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланиб, бу ҳол мажбурият бузилганлигидан далолат беради³⁵. Яъни мажбурият юзасидан қарздор шахс кредиторнинг субъектив ҳуқуқини бузган ҳисобланади.

Мажбуриятнинг бузилиши нафақат мажбуриятлар бўйича кредиторга, балки мажбурият бажарилмаслигига йўл қўйган қарздорга ҳам, шунингдек, умуман фуқаролик жамиятига ҳам зиён етказади. Мажбуриятни бузиш тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятнинг нормал жараёнидаги узилишларга, фуқароларнинг эҳтиёжлари лозим даражада бажарилмаслигига олиб келади³⁶.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўз зиммаларига олган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаслиги мажбуриятнинг бузилишига сабаб бўлади ва мажбуриятни бузган шахснинг ҳаракатлари таркибида тегишли асослар ва шартларнинг мавжуд бўлиши жавобгарликни келтириб чиқаради. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик мажбуриятни бажармаган қарздор зиммасига зарарларни, неустойкани кредитор фойдасига тўлаш вазифасини юклашдан иборатдир.

Фуқаролик ҳуқуқида, одатда, мажбуриятни бузганлик учун қарздорнинг ёки зарар етказувчининг жавобгарликка тортилиши учун қуйидаги тўртта асос бўлиши кўрсатилган:

³⁴ Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. -Т.: ТДЮИ, 2007. -21 б.

³⁵ Зокиров И.Б.Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. –Тошкент.: ТДЮИ, 2009. -434 б.

³⁶ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. -Тошкент.: ТДЮИ, 2005. -58-59 б.

биринчидан, ҳуқуққа ҳилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

иккинчидан, зарар етказилиши;

учинчидан, ҳуқуққа ҳилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир бўлган зарар ўртасида сабабий боғланиш бўлиши;

тўртинчидан, қарздорнинг ёки зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши³⁷.

Лизинг шартномасидан келиб чиқадиган жавобгарлик турига кўра шартномавий жавобгарликка киради. Унга мувофиқ шартномада иштирок этаётган тарафлар (лизинг олувчи, лизинг берувчи ва сотувчилар) ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаганларида ёки лозим даражада бажармаганларида жавобгарлик вужудга келади.

Лизинг берувчи мол-мулкни етказиб бермаганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, етказиб бериш муддатини ўтказиб юборганлик ва тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни етказиб берганлик учун, агар бу унинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли бўлса, лизинг олувчининг олдида жавобгар бўлади.

Лизинг берувчи лизинг олувчи олдида лизинг объекти юзасидан жавобгар бўлмайди, лизинг объекти сотувчиси ва лизинг объектининг ўзи лизинг берувчи томонидан танланган ва лизинг олувчи шу туфайли зарар кўрганлиги исботланган ҳоллар бундан мустасно.

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи сотувчига нисбатан лизинг объектининг олди-сотди шартномаси бўйича солидар кредиторлар сифатида иш кўрадилар. Сотувчи улар олдида лизинг объектининг олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш (лизинг объектининг сифати, бутлиги, лозим даражада етказиб берилиши ва бошқалар) юзасидан жавобгар бўлади. Бунда сотувчи лизинг объекти билан боғлиқ айнан битта зарар учун бир пайтнинг ўзида лизинг олувчи ва лизинг берувчи олдида жавобгар бўлиши мумкин эмас.

³⁷ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. -438 б.

Лизинг берувчи лизинг объектининг лизинг шартномасини тузишда қайд этиб ўтилган камчиликлари учун жавоб бермайди.

Лизинг олувчининг айби билан лизинг объектининг йўқолиши ёки лизинг объектининг ўз вазифасига доир аҳамиятини йўқотиши, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг олувчини лизинг берувчи олдидаги жавобгарликдан озод этмайди.

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларнинг сотувчи томонидан бажарилиши учун лизинг олувчи олдида жавобгар бўлмайди, сотувчи танлаш бўйича жавобгарлик лизинг берувчининг зиммасида бўлган ҳоллар бундан мустасно. Сотувчини лизинг берувчи танлаган тақдирда, лизинг олувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни ўз хоҳишига қараб, солидар жавобгар бўлган мол-мулк сотувчи олдида ҳам, лизинг берувчи олдида ҳам қўйишга ҳақли.

Лизинг олувчи банкрот бўлган, унинг мол-мулки хатга олинган ёки мусодара қилинган тақдирда, лизинг объекти лизинг олувчининг умумий мол-мулкидан ажратилади ва лизинг берувчига қайтарилиши лозим, у мол-мулкни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши мумкин. Лизинг берувчига зарарни қоплаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фуқаролик кодексининг 597-моддасига кўра лизинг олувчининг жавобгарлиги лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фоизи билан олиши мумкин.

Лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларини тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтариб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Лизинг шартномасида иштирок этаётган учинчи тараф сотувчининг жавобгарлиги олди-сотди шартномасида сотувчи қандай жавобгар бўлса худди

шундай жавобгар бўлади. Жумладан, лизинг объектининг микдори, ассортимент, сифати, бутлиги, идиши ва (ёки) ўралиши тўғрисидаги шартларининг бузилишида айибдор бўлган сотувчи жавобгар бўлади.

Лизинг объектини ўз вақтида етказиб бермаганлик ёки кечикиб етказиб берганлиги учун лизинг олувчи олдида сотувчи жавобгар бўлади.

Сотувчи билан бўладиган муносабатларда лизинг олувчи ва лизинг берувчи солидар кредиторлар бўладилар.

Мажбуриятларнинг бекор бўлиши – бу ҳуқуқий муносабатлар жараёнида қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда ёки шартномада назарда тутилган зарурий натижаларга эришилганда муайян мажбурият тури бўйича бир тарафнинг талаб қилиш ҳуқуқи ва унга мувофиқ бўлган иккинчи тарафнинг мажбурият бекор бўлиши билан боғлиқ ҳоладан иборат яқунловчи босқичдир³⁸.

Фуқаролик кодексининг лизингга оид нормаларида лизинг шартномасининг бекор бўлиши ҳақида нормалар мавжуд эмас. “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасида лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш назарда тутилган бўлиб, лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш, агар қонун ҳужжатларида ва шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар келишувига биноан амалга оширилиши назарда тутилган ҳолос. Лизинг шартномасининг бекор бўлиш асослари ва тартиби ҳақидаги нормалар тўла-тўқис мустаҳкамлаб қўйилмаган

Бироқ ушбу ҳолат лизинг шартномасини бекор бўлиши билан боғлиқ тартибга таъсир ўтказмайди. Лизинг шартномасининг бекор бўлишига нисбатан мажбуриятларнинг бекор бўлиши, шартномаларнинг бекор бўлиши ва мулк ижараси шартномасининг бекор бўлишига доир қоидаларни қўллаш мумкин бўлади. Шартнома бекор қилинганида тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, Фуқаролик кодексининг 382-моддаси қоидаларига кўра лизинг шартномаси бекор бўлади. Унга кўра,

³⁸ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. -Тошкент.: ТДЮИ, 2005. -206 б.

лизинг шартномаси тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;

2) Фуқаролик кодекси, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Шартномани жиддий бузиш тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказишидир. Шартнома жиддий бузиши асосида бекор бўлган ҳолларда, иккинчи тараф шартномани бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлади. .

Лизинг шартномаси муддатли шартнома бўлганлиги сабабли тегишли муддат тугаши билан шартнома бекор бўлади. Тегисли асосларнинг мавжуд бўлиши лизинг шартномасининг муддатидан олдин ҳам тугатилишга сабаб бўлиши мумкин.

Фуқаролик кодекси 551-моддасида ижарага берувчининг талаби бўйича мулк ижараси шартномасини муддатидан олдин бекор бўлиш асослари назарда тутилган. Унга кўра мулк ижараси шартномаси ижарага берувчининг талаби билан суд томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин, агар ижарага олувчи:

- ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамасдан мол-мулкдан шартнома шартларини ёки мол-мулкнинг вазифаларини жиддий равишда бузган ёхуд бир неча марта бузган ҳолда фойдаланса;

- мол-мулкни жиддий ёмонлаштирса;

- шартномада белгиланган тўлов муддатини кетма-кет икки мартадан ортиқ бузиб, мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўламаса;

- қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ капитал таъмирлаш ишларини бажариш ижарага олувчи зиммасидаги мажбурият бўлган ҳолларда шартномада белгиланган муддатларда, шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, оқилона муддатларда мол-мулкни капитал таъмирлашни амалга оширмаса.

Ижарага берувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишдан олдин ижарага олувчини ёзма равишда огоҳлантириши ва унга ўз мажбуриятларини бажариш учун имконият берган бўлиши шарт.

Айни пайтда ижарага олувчининг талаби билан ҳам мулк ижараси шартномаси муддатидан олдин бекор бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат Фукаролик кодексининг 552-моддасида назарда тутилган. Унга кўра, ижарага олувчининг талаби билан мулк ижараси шартномаси суд томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин, агар:

- ижарага берувчи мол-мулкни фойдаланиш учун ижарага олувчига бермаса ёки мол-мулкдан шартнома шартларига ёхуд мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланишга тўсқинлик қилса;

- ижарага олувчига топширилган мол-мулкда ундан фойдаланишга тўсқинлик қиладиган камчиликлар бўлиб, уларни ижарага берувчи шартнома тузиш вақтида айтиб ўтмаган, ижарага олувчига олдиндан маълум бўлмаган ва шартнома тузаётганда мол-мулкни кўздан кечириш ёхуд унинг созлигини текшириш вақтида аниқланиши мумкин бўлмаган бўлса;

- ижарага берувчи шартномада белгиланган муддатларда, агарда шартномада муддат белгиланган бўлмаса, оқилона муддатларда ўз зиммасидаги мол-мулкни капитал таъмирлаш мажбуриятини бажармаса;

- ижарага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатлар туфайли мол-мулк фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолса.

Мулк ижараси шартномасини ижарага берувчи ва ижарага олувчининг талаби билан бекор бўлишига доир айрим асосларини лизинг шартномасига қўллаш алоҳида тартибни талаб этади. Жумладан, ижарага олувчига топширилган мол-мулкда ундан фойдаланишга тўсқинлик қиладиган камчиликлар бўлиб, уларни ижарага берувчи шартнома тузиш вақтида айтиб ўтмаган, ижарага олувчига олдиндан маълум бўлмаган ва шартнома тузаётганда мол-мулкни кўздан кечириш ёхуд унинг созлигини текшириш вақтида аниқланиши мумкин бўлмаган асосга кўра бекор бўлишида агар лизинг берувчи лизинг объектини лизинг олувчидан сотиб олган бўлса, ашёда мавжуд

камчиликларни ўзи билиши зарур ва шарт. Бундай ҳолда юқоридаги асосга кўра шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб этиш Фуқаролик кодексининг ушбу нормаларига зиддир.

Шунингдек, товарни камчиликлари билан боғлиқ ҳола лизинг шартномасини бекор қилишдан олдин лизинг олувчи сотувчидан ушбу камчиликларни текинга баратараф этишни ёки шу турдаги сифати яхши бошқа ашё билан алмаштириб беришни талаб қилиш ҳуқуқларига ҳам эга бўлади. Тегишли талаб қилиш ҳуқуқи сотувчи томонидан бажарилмаган тақдирдагина бир томонлама бекор қилишни амалга ошириш мумкин.

Шартномалар тўғрисидаги умумий қоидаларда назарда тутилган вазиятнинг жиддий ўзгариши билан лизинг шартномаси бекор бўлиши мумкин. Бунда, албатта, Фуқаролик кодекси 383-моддасида назарда тутилган қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши шарт:

1) шартномани тузиш пайтида тарафлар вазиятда бундай ўзгариш юз бермайди, деб ҳисоблаган бўлсалар;

2) вазиятнинг ўзгаришини келтириб чиқарган сабабларни, улар пайдо бўлганидан кейин манфаатдор тараф шартноманинг хусусиятига ва муомала шартларига кўра ўзидан талаб қилинадиган даражада виждонийлик ва эҳтиёткорлик қилган бўлишига қарамай, бу сабабларни енга олмаган бўлса;

3) шартномани унинг шартларини ўзгартирмасдан бажариш тарафлар мулкӣ манфаатларининг шартномага мос келадиган нисбатини бузса ва манфаатдор тарафга зарар етказса, натижада улар шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўлсалар;

4) иш муомаласи одатларидан ёки шартноманинг моҳиятидан вазиятнинг ўзгариши хавфига манфаатдор тараф учраши кераклиги англашилмаса.

Фуқаролик кодексининг 25-бобида мажбуриятлар бекор бўлишининг бир неча асослари назарда тутилган. Уларга мажбуриятнинг бажарилиши билан, воз кечиш ҳақини тўлаш билан, ҳисобга ўтказиш билан, қарздор билан кредитор бир шахс бўлиб қолиши билан, мажбурият янгиланиши билан, қарздан воз кечиш билан, бажариш мумкин бўлмаганлиги туфайли, давлат органи ҳужжати

асосида, фуқаро вафот этиши билан, юридик шахс тугатилиши билан мажбуриятларнинг бекор бўлишини киритиш мумкин. **Ушбу асосларнинг айримларига кўра лизинг шартномаси бекор бўлиши мумкин.**

Фуқаронинг вафоти этиши билан лизинг шартномаси бекор бўлмайди, лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий ворисларига ўтади. Лизинг олувчининг ҳуқуқий ворислари бўлмаган ҳоллардагина ушбу асосга кўра лизинг шартномаси бекор бўлиши мумкин.

Лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиниши унга мувофиқ тузилган қўшимча лизинг шартномасининг бекор бўлишига олиб келади. Агар лизинг шартномаси Фуқаролик кодексида назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмас деб топилса, унга мувофиқ тузилган қўшимач лизинг шартномаси ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

Лизинг шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, уни бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса.

2.4.Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш асослари ва уни такомиллаштириш масалалари

Иқтисодиётни ривожлантиришда ва барқарор фаолият олиб бориш учун зарур шарт шароитлар яратиб беришга қаратилган бозор инфротузилмаси институтларининг ривожланишига катта аҳамият берилмоқда. Бу ерда гап биринчи галда молия ва банк тузилмаларини, сугурта, консалтинг ва албатта лизинг муносабатлари ҳақида бормоқда. Бу мақсадларга эришишда Ўзбекистон Республикаси олдида бутун дунё ривожланган мамлакатларидаги шаклланган, тажриба ва синовлардан ўтган жаҳон адозаси талабларига жавоб берадиган ва шу билан бирга бизнинг шароитимизга мос келадиган мавжуд ишлаб чиқариш тизими ва унинг ҳуқуқий тартибга солинишини синчиклаб ўрганиб, таҳлил қилиб, ўзига маъқул ёки Президентимиз айтиб ўтганларидек «ўзимизга хос, ўзимизга мос» ҳуқуқий базани ташкил қилиш вазифаси турибди. Худди шундай ҳуқуқий асосларидан ва асосийси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва шу соҳага таллуқли булган қонун ҳужжатлари бўлиб, улар жаҳон ҳуқуқий тизимида синалган, келажак шартномалари бўлган «лизинг» шартномаси билан боғлиқ қоидалар ҳам белгиланган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек лизинг муносабатларини ҳуқуқий базасини яратиш бўйича Ўзбекистонда жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда, оширилди ва яна оширилиши керак. Хозирда мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида»ги қонун ва Президентимиз Ислон Абдуганиевич Каримовнинг мазкур фуқаролик ҳуқуқи институтлари билан боғлиқ қатор фармонлари ташкил этади ва уларда лизинг тушунчаси, субъектлари ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги масалалари, шартнома тузиш тартиби, шартнома объектлари, фуқаролик ҳуқуқининг мазкур институтини ривожлантириш йўлидаги долзарб масалалар ўз ечимини топмоқда ва яратилиши керак бўлган шароитлар имтиёзлар ва бошқалар белгиланган, кафолатланган, мустахкамланиб ўтилган. Лизинг институти,

унинг гоёлари ҳали Ўзбекистонда тўла шаклланган ва ривожланган эмас. Мулкнинг ўз эгасини топиши, унинг мулкдорга тулақонли тегишли бўлиши, Ўзбекистон хўжалик субъектлари фаолиятларини моддий-техникавий базасини яратишда ва шакллантиришда тутган асосий ўрни, лизинг институтининг халқ хужалигини ривожлантиришда ўзининг муносиб ўрнини топишининг асоси ҳисобланади.

Лизинг билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларининг ривожланиши бевосита бозор муносабатларининг ривожланиши талабларидан келиб чиқади ва бу институт ҳар қандай ишлаб чиқариш, мулк шакллари ва ишлаб чиқариш усулига асосланган жамият базасининг ривожланиши учун ижобий таъсир кўрсатади. Лизинг ишлаб чиқариш субъектлари-корхоналарнинг асосий фондларини асосий қийматини шакллантиришга ва уни эксплуатация қилиш натижасида корхонага, хўжалик субъекти айланма маблағ шаклида тезроқ ва қисқа муддатларда қайтишига кўмаклашади. Агарда мамлакатимиз иқтисодиётига назар ташласак, бунда (ҳозирча) асосий ўринни қишлоқ хўжаоиги эгаллашини кўрамиз ва давлатимиз «агро-саноатий республикаси» бўлиб иқтисодиётимиз тизимини номланишидан ҳам қайси соҳа асосан муҳимлигини куришимиз мумкин. Бу соҳанинг муҳимлигини қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам кўришимиз мумкин: - ер ва сув каби ресурсларнинг мутлақ кўпчилиги шу соҳада фойдаланилади, мамлакатимизга валюта тушумининг 55%ни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан келган маблағлар ташкил қилади. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта этибор берилиб, унинг ислохотларини янада чуқурлаштириш, бу соҳанинг моддий, ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга алоҳида этибор берилмоқда, шуни ҳам таъкидлаш керакки буни объектив зарурат тақозо этмоқда. Жумладан, 2000 йил октябр ойидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзқишлоқтаъминоттузитиш» давлат кооператив қўмитасини «Ўзағромаш сервис» уюшмаси этиб ўзгартириш тўғрисида»ги, «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва 2000 йил 2 ноябрдаги

Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорда аниқ белгиланиб, унга кўра компания даромадининг имтиёзли ставкаси Марказий Банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50% дан юқори бўлмаслиги кераклиги белгиланган. Лизинг туловларининг қай йўсинда амалга оширилиши мазкур қарорда аниқ белгиланган бўлиб, бунда «Пахтабанк», «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг молия агенти эканлиги, унинг зиммасига компаниянинг барча ҳисоб китобларига, молиявий хизмат кўрсатиш, лизинг олувчилар билан тузилган лизинг шартномалари бўйича, техника ишлаб чиқариш корхоналари билан тузилган етказиб бериш шартномалари бўйича туловлар ва ўзаро молиявий мажбуриятлар ўз вақтида бажарилиши устида назорат қилиш вазифалари юклатилган³⁹. Ҳозирги кунда «Пахтабанк» «Аграбанкка айлантирилган.

Лизинг фаолиятини такомиллаштириш ва субъектлари учун қушимча қулайликлар яратиш чора тадбирлари кенг равишда амалга оширилмоқда, бугунга мисол қилиб лизинг олувчи турган-жойлашган жойга лизинг объекти бўлмиш қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш ва лизинг фаолиятини янада тезлаштириш мақсадида барча вилоятларда ва шу жумладан Қорақолпоғистон Республикасида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси филиаллари ташкил этилган⁴⁰.

Лизинг шартномаси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари давлатимиз қонун ҳужжатлари ва ашртнома шартлари билан тартибга солинади. Хусусан, юқоридаги қарор билан шартномада белгиланган лизинг туловлари ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Пахтабанк» томонидан лизинг эгаси ҳисоб рақамига сўзсиз бажарилиши лозим бўлган тулов талабномалари қуйилиши урнатилган. Ушбу қарорда лизинг шартномаси тарафларининг мажбурияти ва жавобгарлигига алоҳида эътибор берилган. Шу билан бирга лизинг муносабатларининг ривожланиши бевосита бозор

³⁹ У.Дўстов, А.Гуломов «Қишлоқ хўжалигини лизинг шартларида техника билан таъминлаш», Хўжалик ва ҳуқуқ, 2001й., 5 сон, 25 бет.

⁴⁰ Уша жойда.

муносабатларини ривожлантириш талабларидан келиб чиқади, бозор муносабатлари ривожланишини назарда тутган ҳукуматимизнинг бу қарори қишлоқ хўжалигида бозорнинг ҳақиқий қонуний бўлиш рақобатни янада жадаллаштиради.

Юқорида қишлоқ хўжалиги соҳасида лизинггӣ муносабатларни янада ривожлантириш ҳаракатлари, мазкур соҳа, унинг субъектлари ва умуман олганда иқтисодиётимиз учун жуда кўпи жобий натижаларни беради: бунда биринчидан, қишлоқ хўжалиги субъектлари (машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги ширкатлари, деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва бошқалар) ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, унумдорлиги юқори ва тежамқор қишлоқ хўжалик техникасига эга бўлишади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги субъектлари ҳосилдорлигини анча оширади, ўз навбатида бу нарсани ишлаб чиқариш соҳасига ва мамлакатимиз ички ва тақши савдосига, иқтисодиётига, бозорларига ўз таъсирни утказади. Биргина мисол, Голландия давлати майдони мўжазгина бўлган давлат бўлгани билан ўзининг ниҳоят даражада ривожланган қишлоқ хўжалиги соҳаси билан ва шунинг натижасида шу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бутун дунёни таъминлайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятининг юксалиши натижасида ички бозор туйинади, миллий валюта харид қобилиги ошади ва барқарорлашади, хўжаликлар ва молия соҳаси субъектлари бўлиш банклар ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамлана боради. Буларнинг ҳаммаси бу соҳада рақобатни ривожлантириб, кучайтириб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва товарлар сифат даражаси, миқдори ўса бошлайди. Ҳеч гап эмаски яқин келажакда мамлакатимиз бу соҳада дунёда етакчи ўрин эгаллаб, ўзимизни белгилар билан чиқариладиган товарлар ва маҳсулотлар билан дунёни тулдириб ташласак.

Мамлакатимизда фуқаролик –ҳуқуқий лизинг институтининг шаклланиши ҳозир ҳам давом этмоқда. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи илк ҳуқуқий акт бўлиб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, лизинг муносабатлари соҳасини тартибга солувчи

кейинги ҳуқуқий акт бу 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Лизинг тўғрисида»ги қонун бўлди. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган қонун ҳужжатларимиз лизинг компаниялари фаолияти учун зарур ҳуқуқий асосни таъминлаб бериши билан қонунчиликдаги баъзи ҳолатлар лизинг муносабатларини ривожланишини чеклаб қуймоқда. Лизинг соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда Фуқаролик Кодекси ҳозир ҳам кейинги қонунчилик актларда акс этган бир-неча бахсли ҳолатлар мавжуд. Мисол учун, Фуқаролик кодексининг 587-моддасига кўра – лизинг берувчи томонидан лизинг объектини фақатгина ўз маблаги (капиталига) олишини назарда тутди. Лизинг компанияларининг ўз маблағлари (капиталлари) ҳажми камлигини ҳисобга оладиган булсак (асосан), бу ҳолат амалга оширилиши керак булган операциялар доирасини, лизинг объектлари турларини ва лизинг олувчилар миқдорини камайишига олиб келади⁴¹, бу эса ўз навбатида лизинг олувчи томонидан далб қилинган маблағларни ишлатишга ва ўз навбатида лизинг операцияларини қўшимча жалб қилинган маблағларсиз амалга ошириб бўлмайди. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида»ги қонун қабул қилинишида кўзда тутилиб, янги қонунга кўра лизинг берувчи компаниялар ҳам ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардан фойдаланиши мустаҳкамланиб қуйилди. Энди ФК нинг 587-моддасига кўра қўшимчалар киритиш билан қонун ҳужжатларининг бир-бирига мос келишини таъминлаш керак. Чунки бу ҳолат бўйича ноаниқлар ва чалкашликлар келиб чиқиши мумкин. «Лизинг тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш жуда катта ҳажмдаги, кўпгина қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, улар ичидан ҳозирги амалдаги, қонун матни қабул қилинган. Бу қонун 25 моддани ўз ичига олиб ва шу билан бирга иқтисодий қонунчилигимизда илк бор молиявий лизинг тушунчасини бериш ва тартибга солишдан ташқари оператив лизинг турининг ҳам ҳуқуқий ҳолати мустаҳкамланиб ўтилган. Шундай қилиб қабул қилинган

⁴¹ А.Муминов, «О проблемах совершенствования законодательной базѣ лизинговой деятельности», Хозяйство и право, 2003 й., 11-сон, 80-81 бетлар.

қонун, лизинг соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларининг барча томонларини қамраб олган ҳуқуқий акт бўлиб ҳисобланади.

Шунга қарамасдан қонуннинг амалда қулланилиши давлатимизда лизингни ривожланиб бориши учун қонунни янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида белгиланиб утилган лизинг объекти бўлиши мумкин бўлган ашёлар тўғрисидаги қоида, яъни тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истемол учун мулжалланмаган (яъни тадбиркорлик фаолияти учун) ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин. Бу қоида лизинг объектлари доирасини ниҳоятда чегаралаб қуяди, яъни лизинг объектлари бўлиб фақатгина тадбиркорлик фаолиятига мулжалланган ашёларгина кўрилиши мумкин. Мазкур ҳолатда, объектни фақатгина тадбиркорлик мақсадларда ишлатилувчи, лизинг олувчиларнигина назарда тутилганлиги сабабли ва лизинг олувчилар сафига тадбиркорлик фаолияти билан шугулланмайдиган субъектлар киритилмаслиги сабабли лизинг олувчилар доираси ҳам қисқарди. Шу билан бирга бу нарса лизингнинг баъзи юналишларини чекланишига олиб келмоқда, мисол учун қоидага кўра жисмоний шахсларнинг лизинг асосида автоуловларни олиши. Келажакда бозорнинг лизинг хизматлари билан тулиши муносабати билан лизинг олувчиларнинг янги бозорини излашга тўғри келади ва шунда истеъмолчилар лизингни тушунчаси вужудга келади. Бу жараённинг самарали ривожланиб бориши учун қонунчилигимиз, бу фаолиятга олдиндан тусқинликлар, чеклашлар яратмай балки аксинча ривожланишига ёрдамлашиши зарур бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун қонуннинг мазкур моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур деб ҳисоблайман.

Лизингни ҳуқуқий тартибга солиниши ҳақида гапирилганда, 1988 йилги «Халқаро молиявий лизинг тўғрисида»ги Оттава Конвенциясини четлаб ўтиб бўлмайди. У халқаро молиявий лизингни амалга оширишни ҳуқуқий тартибга соладиган асосий ҳуқуқий акт бўлиб ҳисобланади. Конвенциянинг асосий мақсади бу халқаро молиявий лизингни амалга оширишда вужудга

келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни унификациялаш бўлиб ҳисобланади. Конвенция билан тартибга солинадиган предметга, субъектлари турли мамлакатлар резидентлари бўлган ва лизинг шартнома муддати амортизация муддатига яқин бўлган шартномалар киради (ташқи лизинг). Шартнома уч тарафлама характерга эга бўлган классик лизингни назарда тутди. Ўзбекистон Оттава Конвенциясига тўла қўшилган бўлиб, бунинг натижасида миллий лизинг компанияларининг ва лизинг асосида асбоб ускуналар олиб келадиган ташкилотларнинг халқаро бозорга чиқиши осонлашади. Шу билан бирга бизнинг мамлакатимизда лизинг ўзининг фаолиятини юксалтириши ва шу билан бирга келажакда Ўзбекистон иқтисодиётида янада муҳимроқ ўрин тутди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида лизинг ҳуқуқий муносабатларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Лизинг ҳуқуқий муносабати бозор иқтисодиёти шароитида бир қатор муҳим вазифаларни бажаради. Лизинг муносабатлари билан боғлиқ жаҳон амалиёти шундан далолат берадики, лизинг муносабатларининг ривожланганлик даражаси ва инвестиция жараёнларининг жадаллашуви билан бевосита боғлиқ бўлади. Молиявий маблағлар етарли бўлмаганда лизинг муносабатларининг ривожланиши бир бири билан боғлиқ қатор масалаларни ҳал этиш имкониятини беради: хусусан, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш шу жумладан, асосий воситаларни янгилаш ва модернизация қилиш; товарлар, ишлар ва хизматлар бозорини барқарорлигини таъминлаш; ишсизликни қисқартириш ва янги иш ўринларини яратиш; тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш ва кенгайтириш натижасида бюджет тушумини кўпайтириш ва ҳ.к. Демак, лизинг муносабатлари молиявий маблағларни тўғри ва оқилона тасарруф этишнинг бозор иқтисодиёти учун хос бўлган самарали воситалардан биридир. Лизинг муносабатларини ривожланиши, уни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширишни тақазо этади.

2. Сотувчини лизинг олувчи ҳақида хабардор қилишини лизинг олувчи олдида сотувчининг мажбуриятларини вужудга келтирувчи зарурий шарт сифатида қараш лозим. Бунда лизинг олувчи мол мулкни мулк қилиб олишида сотувчини ёзма равишда ушбу мол мулк муайян шахсга лизинг шартномаси асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишга топширишга мўлжалланганлигини хабардор қилиши лозим. Ушбу мажбуриятни бажармаслик лизинг олувчига лизинг шартномасини бекор қилиш ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Агар лизинг олувчи ушбу ҳуқуқдан фойдаланмаса, ундай ҳолда лизинг шартномасидан келиб чиқувчи ҳуқуқий муносабатнинг мавжудлигини белгиловчи ягона шарт

олди сотди шартномаси бўйича сотувчи мажбуриятларини бажармаслик хавфини ва етказилган зарарни қоплашни лизинг муносабатидаги тарафга ўтказиш бўлади.

3.Лизинг берувчининг мажбуриятларини лизинг шартномаси шартларига зид бўлмаган шартларда олди сотди шартномасини тузиш ҳақидаги шартнинг белгиланиши лизинг шартномасидаги қоидалар ва лизинг объектини олди сотди шартномаси қоидалари ўртасидаги тафовутлар билан боғлиқ муаммоларни ечиш имконини беради. Бу эса, моҳиятан (лизинг муносабатлари табиатидан келиб чиқиб) лизинг объектини топшириш ҳақидаги қоидалар билан бир хил бўлиши лозимлигини назарда тутди. Лизинг берувчининг лизинг олувчи олдидаги ушбу мажбуриятини бажармаслиги лизинг шартномасини бекор қилиш ва зарарларни қоплаш ҳуқуқини бериши лозим.

4.ФК 593-моддасида лизинг бўйича ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчига бу мол-мулкни топшириш пайтида ўтиши белгиланган. Ушбу нормага қўшимча равишда лизинг шартномаси бўйича олди сотди шартномасини туза олмаслик хавфи тушунчаси киритилиши лозим. Умумий қоидага мувофиқ ушбу хавф лизинг объекти сотувчисини танлаган тарафда бўлади. Мазкур хавфга доир жиҳатларнинг тартибга солиниши иккита муҳим масалани ҳал этиш имконини беради. Биринчидан, ФК 333 моддаси 3 қисмида назарда тутилган қонданинг лизинг объектини сотувчини лизинг олувчи томонидан танлаш натижасида қўллаш ўзини оқламайди. Лизинг объектини олиш лизинг берувчининг асосий мажбурияти ҳисобланади ва уни ўз навбатида қарздор, лизинг олувчи эса, мазкур муносабатда кредитор сифатида кўрилади. Иккинчидан, лизинг шартномасини икки томонлама битим сифатидаги конструкциясини мустаҳкамлайди. Лизинг олувчи ва сотувчи ўртасидаги шартномавий муносабатларни мавжудлигини истисно этади. Шу жумладан, “ноаниқлик” ҳолатида яъни, лизинг берувчининг муайян лизинг объектини муайян

сотувчидан мазкур объектни лизинг берувчига сотиш кафолати бўлмаган ҳолда олиш мажбуриятини назарда тутмайди.

5. Фукаролик кодексининг 591-моддасини қуйидаги таҳрирда ўзгартириш лозим:

591-модда. Мол-мулкни лизингга топшириш тўғрисида сотувчини хабардор қилиш

Лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизинг шартномаси асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берилаётганлигини ёзма равишда сотувчига билдириши шарт.

Лизинг берувчи мазкур модданинг 1-қисмида назарда тутилган мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг шартномасини бекор қилиш ва етказилган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар лизинг олувчи мазкур модданинг 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланмаса, у ҳолда олди сотди шартномаси бўйича сотувчи мажбуриятларини бажармаслик хавфи ва у билан боғлиқ зарарлар учун лизинг берувчи зиммасида бўлади.

ФКнинг 592-моддаси “Лизинг шартномаси нарсасини лизинг олувчига топшириш” деб номланган. Мазкур модданинг номланиши қуйидагича ўзгартирилиши лозим:

“592-модда. Мол-мулкни мулк қилиб олиш ва вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш”

Лизинг берувчи лизинг шартномасида назарда тутилган мол-мулкни лизинг шартномаси шартларига зид бўлмаган ҳолда мулк қилиб олишга мажбур. Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу шартнома объекти бўлган мол-мулк сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
6. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: Ўзбекистон. 2001. -439 б.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. -432 б.
8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
9. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. –Т.: Ўзбекистон, 2004. -400 б.
10. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. -280 б.
11. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир.–Т.: Ўзбекистон, 2007. -48 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 2007. – 38 б.
13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.
14. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 56 б.
15. Каримов И.А. . Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган маросимдаги сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2010 йил, 8 декабрь

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2007. -496 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги Қонуни. 14.12.2000 йилда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 йил №1-2, 8-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисидаги қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, №1, 12-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. 1999.14.04.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 2007 йил 21 декабрь Қарори // ЎЗР ҚХТ.- 2007.- № 52.- 539-модда
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 1999 йил 24 сентябрдаги қарори.

III. Махсус адабиётлар:

1. Зокиров И., Баратов М. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. -Т.: Адолат. 1998.
2. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. 5-нашр. –Т.: ТДЮИ, 2009. -611 б.
3. Иоффе О.С. Обязательственное право. –СПб: Юридический центр Пресс, 2004. -837 с.
4. Комментарий к Гражданскому кодексу РФ. //Под ред.О.Н.Садикова. -М.: 1995, -419 с.
5. Муаллифлар жамоаси. (И.Зокиров, О.Окюлов ва б.). Шартнома ҳуқуқи.- Т.:ТДЮИ.-2006.
6. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.:ТДЮИ.-2009. 822б.
7. Муаллифлар жамоаси. Халқаро хусусий ҳуқуқ // Маъс.муҳ.: Ҳ.Р.Раҳмонқулов. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002. -448 б.
8. Ўзбекистон Юридик энциклопедияси. –Т.: Адолат, 2009. -704 б.
9. Муаллифлар жамоаси //Ҳ.Р.Раҳмонқулов, О.Окюловларнинг таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I жилд. – Тошкент: Vektor press, 2010. -816 б.
10. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. -614 б.
11. Муаллифлар жамоаси. Мулк ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ.-2006.
12. Муаллифлар жамоаси. Шартнома ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ.-2006.
13. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ.-2009
14. Бабакулов С.Б. Ижара ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент: 2010. 210 б.
15. Кочергина Т. Правовое режим лизинговых обязательств //Фуқаролик қонунчилиги: муаммо ва ечимлар мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2004. -82 б.
16. Юлдашева Ш. Лизинг шартномаси //Ёш олимлар тўплами. -2004. -6-сон. – Б. 22-24.

17. Ҳазраткулов О.Т. Лизинг объектларини ҳукукий тартибга солиниши// Ўзбекистонда фалсафа ва ҳуқуқ фанлари ривожланишининг истикболлари мавзусида илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. – Б.30-33.
18. Ҳазраткулов О.Т. Лизинг муносабатларини ҳукукий тартибга солиш муаммолари. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2007.
19. Витрянский В.В., Брагинский М.Б. Договорное право. Книга вторая. Договоры о передачи имущество. М.: Статут, 2006.
20. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқи предмети, методи ва тамойиллари. Т.: ТДЮИ. 2003. -46 б.
21. Караходжаева Д.М. Учебно-методический комплекс к изучению курса Право собственности. -Т: ТГЮИ, 2009. – 120 с.
22. Коллектив авторов. Гражданское право. Общая часть. Учебник. -Т: ТГЮИ, 2010. – 899 с.
23. Муаллифлар жамоаси. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. -Т: Консаудитинформ, 2002. -664 б.
24. Рамонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. -Т: ТДЮИ, 2009. -14 б.
25. Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. (Умумий қоидалар). -Т: ТДЮИ, 2005. -336 б.
26. Хусусий мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми. //Масъул муҳаррир Академик Ҳ.Раҳмонкулов. -Т.: Akadem Xizmat. 2007. -140 б.
27. Римское частное право. Учебник. //Под ред. И.Б.Новицкого и И.С.Претерского. -М.: 1996. -453 с.
28. Рустамбоев М.Х. Жиноят кодексига шарҳлар. –Т.: Ўқитувчи. 2004. -628 б.

IV. Қўшимча адабиётлар

29. Брагинский М., Витрянский М. Договорное право. –М.: 1997. -9-б.
30. Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть I. -13-е изд. -М.: Ось-89, 2005. -176 с.
31. Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть II. -10-е изд. -М.: Ось-89, 2005. -256 с.
32. Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть первая. Научно-практический комментарий / Отв. ред. Т. Е. Абова, А.Ю. Кабалкин, В. П. Мозолин. - М., 1996.
33. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга вторая. Договоры о передаче имущество. –М.: Статут, 2006. -468 с.
34. Гражданское право. //Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. Часть 1. -М.: Проспект, 2007. -262 с.
35. Гражданское право. //Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. Часть 2. -М.: Проспект, 1997. -784 с.
36. Гражданское право. //Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. Часть 2. -М.: Проспект, 2006. -186 с.
37. Гражданское право. Учебник / Под ред. Е. А. Суханова. Т. 1.- М., 1998.
38. Гражданское право. Учебник: в 3 т. Т.3. //Под ред А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М.: Проспект. 2004. -784 с.

VI. Илмий мақолалар

1. Анортоев И., Жуманиёзов Б. Лизинг шартнома муносабатлари. //Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ. -Тошкент:1999. -№2. -25 б.
2. Басин Ю.Г. Арендатор в договоре хозяйственной аренды. //Ж. Правоведение. –М.: 1990. №3. –С.8-18.
3. Бабакулов С.Б. Договор о лизинге. //Ж. Хўжалик ва ҳуқуқ. -Тошкент: 2002. -№8. -С.63-68.
4. Бабакулов С.Б. Лизинг муносабатлари. //Ж. Хўжалик ва ҳуқуқ. - Тошкент: 1999. -№5. -Б.45-48.
5. Бабакулов С.Б. Лизинг шартномаси: уни тартибга солишнинг баъзи бир муаммолари. //Ж. Ҳаёт ва қонун. -Тошкент: 2003. -№2. -Б.40-41.
6. Бабакулов С.Б. Лизинг шартномасини ҳуқуқий тартибга солишнинг баъзи бир жиҳатлари. //Ж. Давлат ва ҳуқуқ. -Тошкент: 2001. -№4. -Б.24-31.
7. Газман В. Лизинг в малом предпринимательстве: организационно-правовое обеспечение. //Ж.Хозяйство и право. -М.: -С.81-90.
8. Шодмонов Ф. Шартнома бўйича ҳуқуқбузарлик ва жавобгарликнинг алоҳида хусусиятлари. //Ж. Хўжалик ва ҳуқуқ. -Тошкент: 2002. -№5. -Б.42-45.

VII. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари

1. Бобоев Ж.И. Истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик. Ю.ф.н. дисс... автореф. -Т.: 2005. -26 б.
2. Боротов М.Х. Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг фуқаролик ҳуқуқий мақоми. ю.ф.н.дисс... автореф. -Т.: 2004. -24 б.
3. Груздева А.А. Лизинг в гражданском праве России. Автореф. дис...к.ю.н. –Саратов.: 2000. -36 с.
4. Караходжаева Д.М. Проблемы развития и совершенствования законодательство о праве собственности юридических лиц в Республике Узбекистан. Автореф. дисс... д.ю.н. -Т.: 2008. -13 с.
5. Кукушкин В.М. Правовое регулирование лизинговых отношений в Российской Федерации. Автреф. дис... к.ю.н. –Екатеринбург. 2005. -24 с.
6. Рузиев Р.Д. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики. Автореф. дисс...д.ю.н. -Т.: ТГЮИ, 2002. -48 с.
7. Самарходжаев Б.Б. Проблемы правового регулирования отношений по инвестициям в Республике Узбекистан. Автореф. дисс... д.ю.н. -Т.: ТГЮИ, 2003. -50 с.
8. Ҳазратқулов О.Т. Лизинг муносабатлари ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. Ю.ф.н. дисс... автореф. -Т.: 2006 -26 б.
9. Хамраев С.С. Проблемы правового регулирования использования и охраны недр. Автореф.дисс...д.ю.н. –Т.: 2004. -48 б.
10. Баратов М.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида давлат иштирокининг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. докт. Дисс. ...Автореферати. –Т.: ТДЮИ, 2008.
11. Оқюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми. –Т.: ю.ф.д.дисс... 2001. -15 б.

12. Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик муаммолари. Юф.н. дисс... -Т., 2006. -18 б.

VIII. WEB ресурслар:

1. <http://www.Lex.uz>
2. <http://www.Norma.uz>
3. <http://www.pravo.uz>
4. <http://allpravo.ru>
5. <http://www.yuridlit.ru>
6. <http://www.law-edu.ru>
7. WWW/@private.com.UNreports.activelaw.

Изоҳли луғат.

Лизинг инглизча “forlease” сўзидан олинган бўлиб, “ижара олмоқ” деган маънони англатади.

Лизинг шартноманинг бир тури бўлиб, мол-мулкни ҳақ эвазига бошқа шахсга вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш мақсадида сотиб олишнинг ҳуқуқий воситаси ҳисобланади.

Лизинг фаолияти лизинг берувчи томонидан ўз маблағлари ва (ёки) жалб этилган маблағлар ҳисобидан лизинг объектининг сотиб олиниши ва уни лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига берилиши борасидаги инвестиция фаолияти туридир.

Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Лизинг шартномасининг ҳуқуқий белгилари шартноманинг мақсади, тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақсимланиши ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиш пайтига кўра шартномани битимларнинг у ёки бу турига мансублиги. Унинг ҳуқуқий белгилари қуйидагилар:

- ҳақ бараварига;
- уч (икки)томонлама;
- консенсуал.

Лизинг объектлари тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкый комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк бўлиши мумкин.

Лизинг субъектлари лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи.

Лизинг берувчи деб лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб олувчи шахс эътироф этилади.

Лизинг олувчи деб эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини олаётган шахс эътироф этилади.

Сотувчи деб лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс эътироф этилади.

Етказиб берувчи – лизинг предметини лизинг берувчи билан тузилган шартномага кўра лизинг олувчига етказиб берувчи хўжалик субъекти.

Лизинг шартномаси шакли шартноманинг ифода этиш усули бўлиб, у ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади. Лизинг объектларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, шартнома нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳам мумкин.

Лизинг шартномаси мазмуни шартномада иштирок этаётган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборат.

Лизинг тўловлари лизинг шартномасига кўра лизинг олувчи лизинг берувчига тўлаши лозим бўлган ҳақ. Лизинг тўловлари лизинг берувчига лизинг объекти қийматининг лизинг олувчи томонидан қопланишидан, шунингдек лизинг берувчининг фоизли даромадидан иборат бўлади. Лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Унинг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади.

Минимал лизинг тўловлари - лизинг олувчи ёки унинг кафолатчиси (кафили) томонидан лизинг шартномасига кўра лизинг берувчига унинг лизинг объектини сотиб олиш ва уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатларини, лизинг даромади (фоизи) қўшилган ҳолда лизинг муддати давомида тўланиши лозим бўлган сумма.

Лизинг берувчининг даромади - лизинг тўловлари билан лизинг объектини сотиб олиш, уни етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган, лизинг берувчи томонидан лизинг операциясини амалга ошириш натижасида оладиган фоиз даромади.

Лизинг объектининг ҳаққоний қиймати - муайян бир санада лизинг объектини сотиб олиш ёки лизинг объектини сотиб олиш бўйича битим тузишни хоҳловчи бир-бирига қарам бўлмаган хабардор томонлар ўртасидаги мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма.

Микролизинг - тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада бериладиган лизинг.

Қўшимча лизинг лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган лизинг объектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга топшириш ҳуқуқидир.

Лизинг шартномаси муддати - лизинг шартномаси бўйича томонлар мажбуриятларининг тўла бажарилгунгача бўлган давр.

Лизинг муддатининг бошланиши - лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчининг лизинг объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаган сана, яъни лизинг объектини дастлабки (бошланғич) тан олиш санаси.

Дисконтлаш - келгусида аниқ бир вақтда олиниши кутилаётган пул маблағларининг жорий эквивалентини аниқлаш.

Лизинг объектининг хизмат муддати - лизинг объектига қонун ҳужжатлари асосида амортизация ҳисобланадиган давр.

Дастлабки билвосита харажатлар - лизинг шартномасини тузиш ва лизингни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига қўшилмайдиган харажатлар.

Дастлабки бевосита харажатлар - лизинг объектини етказиб бериш, уни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига қўшиладиган харажатлар.

Халқаро лизинг хоҳлаган икки ёки ундан ортиқ хорижий давлатларнинг лизинг компаниялари ёки хўжалик юритиувчи субъектлари иштирок этадиган лизинг фаолияти.

**Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг
34-боб, 587 – 599-моддалари**

ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ

_____ шахри _____-сон 200__ йил "____" _____
_____, кейинги ўринларда "Лизинг
(юридик шахснинг тўлиқ номи)
берувчи" деб юритилади, _____ асосида иш
(Устав, ишончнома ва ҳ.к)
юритувчи _____ номидан бир томондан ва
(вазифаси, фамилияси, исми)
_____, кейинги ўринларда "Лизинг
(юридик шахснинг тўлиқ номи)
олувчи" деб юритилади, _____ асосида иш юритувчи
(Устав, ишончнома ва ҳ.к)
_____ номидан иккинчи томондан,
(вазифаси, фамилияси, исми)
қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Шартнома бўйича Лизинг берувчи Лизинг олувчининг топшириғига биноан Сотувчи билан ундан Лизинг олувчи учун шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган мол-мулкни (кейинчалик “лизинг объекти” деб юритилади) сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, Лизинг олувчи эса бунинг учун Лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Лизинг берувчи Сотувчидан Лизинг олувчи учун қуйидаги _____ лизинг объектини сотиб олади.

1.3. Лизинг объектининг таркиби ва техник тавсифномаси шартноманинг 1-илоvasида белгиланган.

1.4. Лизинг объектининг баҳоси _____ сўмни ташкил этади.

1.5. Лизинг объектини етказиб бериш _____

(мол-мулкни етказиб берувчининг номи)
томонидан 200__ йил "____" _____ гача амалга оширилади.

2. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

2.1. Мазкур шартнома Лизинг олувчи лизинг объектидан фойдалана бошлаган санадан бошлаб кучга киради.

2.2. Ушбу шартнома бўйича Лизинг объектидан фойдаланиш муддати _____ йилни ташкил этади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Лизинг берувчининг мажбуриятлари:

а) лизинг объекти Лизинг олувчига лизингга беришга мўлжалланганлигини Сотувчига билдириш;

б) лизинг объектини Лизинг олувчига шартнома шартларига жавоб берадиган ҳолатда ва унда келишилган муддатда топшириш;

в) Лизинг олувчи ускуналардан фойдалана бошлагандан кейин лизинг объектини қабул қилиш далолатномасини имзолаш;

в) мазкур шартноманинг амал қилиш муддатига лизинг объектини суғурталаш шартномасини тузиш.

3.2. Лизинг олувчининг мажбуриятлари:

а) етказиб берилган лизинг объектини қабул қилиб олиш;

б) ўз ҳисобидан лизинг объектини монтаж қилиш (йиғиш) ва фойдаланишга топшириш;

в) қабул қилиш далолатномасида етказиб берилган лизинг объекти бутланганлигини, хизматга яроқлилигини ва белгиланган натижаларга эришилганлигини тасдиқлаш;

г) лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаш;

д) ўз ҳисобидан лизинг объектини жорий таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;

е) лизинг объектидан фойдаланиш, ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича _____нинг барча

(лизинг объектини етказиб берувчининг номи)

йўриқномаларига амал қилиш;

ж) Лизинг берувчини тўсиқсиз бухгалтерия ҳисоботлари ва йиллик ҳисоботлар билан таништириш, унга шартноманинг амал қилиш муддати давомида ўзининг молиявий-иқтисодий аҳволи тўғрисида маълумотларни тақдим этиб бориш.

3.3. Лизинг берувчи:

а) Лизинг олувчидан унинг молиявий-иқтисодий аҳволи тўғрисида маълумотларни тақдим этиб талаб қилиш;

б) Лизинг олувчи томонидан лизинг объектидан фойдаланиш, ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномаларига риоя қилиши устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга.

3.4. Лизинг олувчи:

а) лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирда:

лизинг тўловларини тўхтатиб туриш;

етказиб берилаётган лизинг объектини рад этиш ва шартномани бекор қилишни талаб қилишга;

б) шартнома муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда илгари бўнак сифатида тўлаган пулларини, лизинг объектидан фойдаланишдан олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

4. ЛИЗИНГ ТЎЛОВИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лизинг олувчи лизинг объектидан фойдаланганлик учун умумий ижара ҳақи _____ сўм.

4.2. Лизинг тўлови миқдори умумий ижара ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади ва лизинг объектидан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида тўлаб борилади.

4.3. Лизинг объектидан фойдаланганлик учун лизинг тўлови Лизинг олувчи томонидан қуйидаги тартибда тўлаб борилади:

1-йил _____ фоизи

2-йил _____ фоизи

3-йил _____ фоизи

4-5-йиллар _____ фоизидан.

4.4. Биринчи йил учун тўловлар лизинг объектини қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб _____ кун ичида амалга оширилади.

4.5. Кейинги тўловлар ҳар йили, лизинг объектини қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб, кейинги йил биринчи ойининг 15-санасидан кечиктирмай амалга оширилади.

5. ЛИЗИНГ ОБЪЕКТИНИ ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Лизинг объектини топшириш уларни _____ га
(етказилиши лозим бўлган манзил)

етказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

5.2. Етказиб берилган лизинг объекти монтаж қилингандан (йиғилгандан) сўнг уч тарафлама қабул қилиш далолатномаси тузилиб, Лизинг олувчининг ваколатли шахси ва _____

(лизинг объектини етказиб берувчининг номи)

вакили томонидан имзоланади ва имзолаш учун Лизинг берувчига юборилади.

5.3. Лизинг объектини нормал ишлашини истисно этувчи монтаж (йиғиш) давридаги камчиликлар аниқланганда ёки етказиб берилганда лизинг

объектининг бутланмаганлиги аниқланганда бу ҳолатлар шартноманинг 5.2-бандига мувофиқ тузиладиган далолатномада акс эттирилиши лозим. Аниқланган камчиликлар (бутланмаганлик) Лизинг берувчи ҳисобидан бартараф этилиши лозим, уларни бартараф этишнинг имконияти бўлмаган тақдирда Лизинг берувчи Лизинг объектини тўлиғича бошқасига алмаштирилишини таъминлайди.

5.4. Лизинг объектининг нормал ишлашини истисно этувчи камчиликларнинг мавжудлиги сабабли уларни қабул қилишдан бош тортган тақдирда, Лизинг олувчи бу ҳақда Лизинг берувчини камчиликлар аниқланган санадан бошлаб _____ кун ичида ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

5.5. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг Лизинг олувчи ускуналарни уларнинг қолдиқ қиймати бўйича сотиб олишда устунлик ҳуқуқига эга.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Лизинг объектидан фойдаланганлик учун шартномада белгиланган муддатларда тўловни амалга оширмаган тақдирда, Лизинг олувчи тўланмаган сумманинг ҳар бир куни учун _____ фоизи миқдорида, лекин тўланмаган сумманинг _____ фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

6.2. Лизинг олувчи лизинг объектидан фойдаланишда ундан фойдаланиш, ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномаларда белгиланган қоидаларга риоя қилмаган тақдирда Лизинг берувчига _____ сўм миқдорида жарима тўлайди.

6.3. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низоларни тарафлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этадилар.

7.2. Низоли масалалар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, улар хўжалик судида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАРИ

8.1. Лизинг объектининг таркибига (рўйхатига) ўзгартиришлар киритишга фақат Лизинг берувчининг ёзма розилиги бўлган тақдирда йўл қўйилади.

8.2. Лизинг объекти шартномада кўрсатилган муддатда Лизинг олувчига топширилмаган бўлса, Лизинг берувчи жавобгар бўладиган ҳолатлар туфайли муддат ўтказиб юборилган тақдирда, Лизинг олувчи шартномани бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

8.3. Лизинг объектининг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи Лизинг олувчига ушбу лизинг объектини топшириш пайтида ўтади.

8.4. Шартноманинг муддати тугагач лизинг объекти Лизинг олувчининг мулки бўлиб қолади.

8.5. Лизинг олувчи Лизинг берувчи олдида шартнома юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, мазкур шартнома бўйича олган лизинг объектини Лизинг берувчининг розилиги билан қўшимча лизингга топширишга ҳақли.

8.6. Мазкур шартнома бекор қилинганида Лизинг олувчи лизинг объектини Лизинг берувчидан олган ҳолатида унинг нормал эскиришини ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, қайтариб беришга мажбур.

8.7. Лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини бажармаган тақдирда, Лизинг берувчи ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фоизи билан олиши мумкин.

8.8. Лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда Лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларини тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтариб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.9. Лизинг бўйича топширилган лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи Лизинг берувчидан бошқа шахсга ўтганида мазкур шартнома янги мулкдор учун ўз кучини сақлаб қолади.

9. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

9.1. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

9.2. Шартномага киритилаётган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилган ва иккала тараф томонидан имзоланган, нотариал тасдиқланган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

ЛИЗИНГ БЕРУВЧИ:

Ҳисоб-китоб рақами

Валюта ҳисоб рақами

" _____ " банкнинг

бўлимида, банк коди

ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ:

СТИР _____,
телефон _____

(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва
имзоси)

Мухр ўрни

Ҳисоб-китоб рақами

Валюта ҳисоб рақами

" _____ " банкнинг

бўлимида, банк коди

СТИР _____,
телефон _____

*(ваколатли шахс Ф.И.Ш. ва
имзоси)*

Мухр ўрни

